

А.Б. Ақпаева  
Л.А. Лебедева  
М.Ж. Минжасарова  
Т.В. Лихобабенко

# МАТЕМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик



АЛМАТЫКИТАП БАСПАСЫ

2019

ИЗДАТЕЛЬСТВО  
«ЖАЗУШЫ»  
БАСПАСЫ

ӘОЖ 373.167.1

КБЖ 22.1 я 72

М 29

*Қозғыстон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

*Ўзбек тилидаги нашрга “Жазушы” нашриёти тайёрлاغан*

**Ақпаева А.Б. ва бошқалар**

**М 29 Математика.** Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик. 1-қисм /  
А.Б. Ақпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова, Т.В. Лихобабенко. – Алматы:  
«Алматықітап» – «Жазушы», 2019. – 152 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-653-7

1-қисм. – 152 бет, расмли:

ISBN 978-601-200-652-0

ӘОЖ 373.167.1

КБЖ 22.1 я 72

ISBN 978-601-200-653-7 (1-қисм)

ISBN 978-601-200-652-0 (умумий)

©Ақпаева А.Б., Лебедева Л.А.,

Минжасарова М.Ж., Лихобабенко Т.В., мәтіні, 2019

© ТОО «Алматықітап баспасы», 2019

Өзбек тіліне «Жазушы» баспасында аударылды, 2019

# ҚАДРЛИ ДҮСТИМ!

4-синф ўқувчилари бўлган Аброр ва Севара билан танишинг. Севара қатъиятли, жиддий қиз бўлиб, ўқиши жуда ҳам яхши кўради. Аброр эса бир жойда тинч ўтиrolmasa ҳам жуда қизиқувчан, ҳақиқатнинг тагига етмагунича тиниб-тинчимайди. Севара ва Аброрнинг математикани ўрганиш жараёнида дуч келадиган қизиқарли саргузаштларини кузатиб боринг!

Сиз биринчи чорақда кўп хонали сонларни ўқиши, ёзиши, таққослашни, уларни хона кўшилувчиларига айлантиришни, кўп хонали сонларни кўшиш ва айиришни, кўпайтириш ва бўлиши, кўп хонали сонларни ҳисоблашда кўшиш ва кўпайтириш хоссаларидан фойдаланишни, ҳисоблашларни калькулятор ёрдамида бажаришни ўрганасиз. Сиз тезлик, вақт, масофани; фигуранинг юзини, тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажмини қандай топишни билиб оласиз. Миллий валютамиз бўлган тенге ва бошқа давлатлар валютаси (рубль, Евро, доллар)ни фарқлашни, улар устида турли амаллар бажаришни ўрганасиз.

Сиз математикани бошқа фанлар билан узвий боғланган ҳолда ўрганиб борасиз. Бунда сизга «Менинг ватаним – Қозоғистон!». «Инсоний қадриятлар» каби мавзулар ёрдам беради.

Сизнинг катта қизиқиш ва иштиёқ билан билим чўққисини забт этишингиизда муваффақиятлар тилайман!

*Сизнинг қўлланмангиз ва йўл кўрсатувчингиз – Алматыкітап – Жазушы!*



# ДАРСЛИКДАН ҚАНДАЙ

## ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ

Алматықітап  
персонажи  
дарсни очади  
ва якунлайди.

Дарсга 9 хил  
топшириқлар  
берилған бўлиб,  
уларнинг ҳар бири  
ўзига хос ранг ва  
ёзув билан  
берилган.

Топшириқларнинг  
ҳаммаси рақамланган.

## БЎЛИМНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳар бир бўлим ўзига хос  
ранг билан берилган.



Бўлим номи  
ва асосий  
мақсадлари



# ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Дарснинг лексик мавзуси

## ижодий иш

- 5 Материални қайта ўзгартаришни, берилганларни ёки мисолларни мустақил танлашни тақозо этувчи топшириклар.

## жуфтлиқда ишлаш

- 6 Гурухдаги синфдошлар билан биргаликда бажарыш керак бўлган топшириклар. Муҳокама қилинг ва ечиш йўлларини топинг. Ўз ечимингизни дўстларингизга кўрсатинг. Ўз нуқтаси назарингизни айтишни ва бошқаларни тинглашни ўрганинг.

## КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

- 7 Олган билимларингиздан кундалик ҳаётда фойдалана олишга ўргатадиган топшириклар.

## МУСТАҚИЛ ИШ

- 8 Бу топширик мустақил ишлаш учун берилган. Мавзуни қандай ўзлаштирганингизни билиш учун бу топширикларни бажаринг ва ўқитувчи намунаси бўйича текширинг. Агар хатога йўл қўйган бўлсангиз, улар устида ишланг.

## УЙ ВАЗИФАСИ

- 9 Уй вазифасини тайёрлашда янги билимларни кўллаш учун топшириклар.

Дарс якунида нималарни ўрганганингизни ўйлаб кўринг.




2

Дарс



Ўзингизни текширинг



Дарслик 4 хил дарс

типини ўз ичига

олган:

ЯНГИ МАВЗУНИ  
ЎРГАНИШ,  
МУСТАҲКАМЛАШ,  
УМУМЛАШТИРИШ  
ВА НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ.

Бўлимлар,  
дарслар ва  
топшириклар  
бир-биридан  
график элементлар  
ва ранглар  
воситасида аниқ  
ажратиб берилган.

«Ўзингизни  
текширинг»  
сизга бўлим  
бўйича билим-  
ларингизни  
текширишда  
ёрдам беради.

# **1А БҮЛИМ. КҮП ХОНАЛИ СОНЛАРНИ РАҚАМЛАШ ВА УЛАР БИЛАН АМАЛЛАР БАЖАРИШ.**

**«МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚАЗОГИСТОН!» умумий мавзуси доирасида**

Мен күп хонали сонларни ўқиши, ёзиши ва таққослашни билиб оламан.

Сонлар қонуниятини топишни ўрганаман.

Мен белгиланған миқдорларни чет әл валютаси билан алмаштириш ва ҳисоблаш имкониятига эга бўламан.



## ТАҚРОРЛАШ

Сиз сонлар ва миқдорлар, ҳамда улар билан бажариладиган амаллар ҳақида билганингизни тақрорлайсиз.



1

Матнни ўқинг. Сонларни ўсиш тартибида ёзинг.

Севара энциклопедиядан Қозоғистон территориясининг узунлиги ғарбда қуи Волгадан шарқда Олтой тоғларигача **3 000** км (иккита вақт минтақаси) ва шимолда Ғарбий Сибир пасттекислигидан жанубда Қизилқум чўлигача деярли **1 700** км эканлигини ўқиб чиқди.

\* \* \*

Аброр Қозоғистондаги шаҳарлар аҳоли сони бўйича қуидагида ўрин эгаллаганини билиб олди:

**300 000 – 400 000 аҳоли –**

Семей, Павлодар, Тароз ва Усть-Каменогорск;

**200 000 – 280 000 аҳоли –**

Қўстанай, Қизилурда, Атиров ва Петропавловск;

**110 000 – 160 000 аҳоли –**

Экибастуз, Қўкшетов, Рудний и Толдиқўрған.

2

Тўғри жавобни белгиланг. Фикрингизни асосланг.

Харита масштабида 1 сантиметр жойнинг 4 километрга мос келиши кўрсатилган. Харитадаги иккита шаҳар орасидаги масофа 8 сантиметрга teng. Бу шаҳарлар орасидаги масофа неча километр бўлади?

a) 2 км

6) 8 км

b) 16 км

g) 32 км

3

Аввал масса, сўнг вақт ўлчов бирликларини ўсиш тартибида ёзинг. Иккитадан тенгсизликлар тузинг. Микдорлар қийматини қандай таққослашни тушунтиринг?

9 ц 8 кг

2 йил

205 кг

2 ц 10 кг

658 йил

810 кун

6 ц 1 кг

7 аср

98 кг

610 кг

42 йил

345 кун

4

Микдорлар устида амаллар қандай бажарилишини ёдингизга туширинг.

- Катта бирликларни кичик бирликлар билан алмаштираман.
- Амалларни бажараман.
- Майда бирликларни катта бирликлар билан алмаштираман.

$$\begin{array}{r}
 7 \text{ м } 48 \text{ см} - 1 \text{ м } 69 \text{ см} \\
 - 748 \text{ см} \\
 \hline
 169 \text{ см} \\
 579 \text{ см} = 5 \text{ м } 79 \text{ см}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 2 \text{ соат } 40 \text{ мин} + 55 \text{ мин} \\
 + 160 \text{ мин} \\
 \hline
 55 \text{ мин} \\
 215 \text{ мин} = 3 \text{ соат } 35 \text{ мин}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 + 45 \text{ мин} \\
 + 23 \text{ мин} \\
 \hline
 68 \text{ мин} = 1 \text{ соат } 8 \text{ мин}
 \end{array}$$

60 мин = 1 соат  
бўлганлиги учун  
60 минутни ундан  
йирикроқ ўлчов  
бирлиги – 1 соат  
билин алмаштирамиз.

Минут етмайди.  
1 соатни оламиз.  
60 мин + 16 мин =  
= 76 мин

$$\begin{array}{r}
 - 1 \text{ соат } 16 \text{ мин} \\
 \hline
 45 \text{ мин} \\
 \hline
 \text{МИН}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 - 1 \text{ соат } 16 \text{ мин} \\
 \hline
 45 \text{ мин} \\
 \hline
 31 \text{ мин}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 60 \\
 \hline
 76 \text{ мин}
 \end{array}$$

$$9 \text{ м } 34 \text{ см} - 4 \text{ м } 52 \text{ см}$$

$$3 \text{ ц } 7 \text{ кг} + 5 \text{ ц } 16 \text{ кг}$$

$$4 \text{ соат } 34 \text{ мин} + 67 \text{ мин}$$

$$6 \text{ соат } 20 \text{ мин} - 75 \text{ мин}$$

## Ижодий иш

5А

Қозоғистон мактабларида дарсларнинг давомийлиги 40 минут. Мактабларнинг биридаги 4-синфнинг дарс жадвалини кўриб чиқинг. Болалар ҳафта давомида математика ва она тили билан қанча вақт шуғулланишади? Жадвал бўйича саволлар ва масалалар тузинг.

	Дш	Сш	Чш	Пш	Ж	Кўнғироқ жадвали
1	Дунёт.	Рус. т.	Қозоқ. т.	Рус. т.	Рус. т.	8 <sup>30</sup> — 9 <sup>10</sup>
2	Матем.	Адаб. ў.	Матем.	Матем.	Мусиқа	9 <sup>20</sup> — 10 <sup>00</sup>
3	АКТ	Матем.	Адаб. ў.	Таб-лик	Матем.	10 <sup>20</sup> — 11 <sup>00</sup>
4	Рус. т.	Қозоқ. т.	Ингл. т.	Адаб. ў.	Бадий м.	11 <sup>20</sup> — 12 <sup>00</sup>
5	Ингл. т.	Таб-лик	Ўз-ўзинианг.	Қозоқ. т.	Қозоқ. т.	12 <sup>10</sup> — 12 <sup>50</sup>
6	Жисм. т.		Жисм. т.	Жисм. т.		13 <sup>00</sup> — 13 <sup>40</sup>

5Б

Сизнинг дарсларингизнинг бошланиш ва тугаш вақтини аниқланг. Сиз мактабда қанча вақт бўласиз?



5В

Уйдан мактабгача ва мактабдан уйгача бўлган йўлга қанча вақт сарфлашингизни билган ҳолда юқоридаги пунктдан фойдаланиб, ҳар куни қанча вақт уйда бўлмаслигингизни ҳисобланг.

5Г

Душанба куни танаффусларга қанча вақт кетишини ҳисобланг.

6

Амаллар бўйича ечимини ёзган ҳолда ифоданинг қийматини топинг.

$$240 + (118 - 80) \cdot 3$$

$$358 + (412 - 299) \cdot 4$$

$$980 - 137 \cdot 6 + 125$$

$$631 - (683 - 185) : 6$$

7

Рационал ҳисобланг.

$$(95 + 305) : 5$$

$$241 + 123 + 59 + 27$$

$$(330 + 30 + 90) : 3$$

$$(123 + 77) \cdot 2$$

$$448 + 60 + 242$$

$$(12 + 18 + 20) \cdot 6$$

8

Масалани ечинг.

Қозоғистон бўйлаб саёҳат қилаётган ўқувчиларнинг 9 та купе билетлари учун 108 000 тенге сарфланди. Агар битта плацкарт билети купе билетига қараганда 3 000 тенгега арzon эканлиги маълум бўлса, саёҳатга чиққан 11 та гурух аъзосининг плацкарт билети учун қанча тенге тўлаш зарур?

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Фикрлаш орқали ҳал қилинг.

Оилада учта ака-ука бор. Улардан ёшлари нечада эканлигини сўрашганларида, энг каттаси: «Бизнинг ёшларимизни қўшганда 27 ёш бўлади. Мен ва Аброрнинг ёшини қўшганда 22 ёш, Бобур ва Аброрнинг ёшини қўшганда эса 15 ёш бўлади», – деб жавоб берди. Ака-укаларнинг ҳар бирининг ёши нечада?

ФИКР АЛМАШИНГ  
ТАВСИЯ ЭТИНГ  
ЎЙЛАБ КЎРИНГ



## ТАҚРОРЛАШ

Сиз масалалар ечиш ва ҳисоблаш үсулларини тақрорлайсиз.



## КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

1

Экспо 2017 күргазмасынан турли мамлакаттардан жуда күп саёхатчилар келишди. Уларга матнни түғри үқишиңдер беринг.

- Биз бир кунда 600 километр масофани босиб үтдик.
- Душанба куни күргазмага 1 000 та билет сотилди.
- Мемлекеттегі 400 та жойдан фақат 50 та бүшүрүн қолди.
- Мазкур павильонда 700 га яқын экспонаттар жойлашты.
- Нұр-Султан шаҳрида бир ой ичидә 150 та очық хат түплады.
- Кичик конференц-залда 200 тагача, каттасынан 400 тагача одам сиғады.

Сиз сонларни инглиз ва қозоқ тилларда санай оласизми? Матндардың сонларни турли тилларда үқинг.



2

Хисобланг ва текшириңг.

$$65 + 879$$

$$1\ 000 - 645$$

$$416 : 8$$

$$159 \cdot 5$$

$$34\ 000 + 12\ 000$$

$$91\ 000 - 71\ 000$$

жуфтлиқда ишлаш

3

Масалаларни ечинг. Уларнинг ичида турли усуллар билан ечиладиган масалалар борми? Уларни турли усуллар билан ечинг.

- Кўргазмага 200 та ўқувчи келди. Ҳар бир групда 12 тадан ўғил бола ва 8 тадан қиз болалар бор. Экспога жами қанча ўғил болалар келган? Экспога жами қанча қиз болалар келган?
- Экскурсияга 140 та қиз болалар ва 160 та ўғил болалар келишган. Улар ҳар бирида 10 тадан бўлган тенг групхарларга бўлинишди. Ҳар бир групда нечтадан бола бўлган?

4

Тенгламани ечинг.

$$(450 - 300) \cdot x = 450$$

$$x - (315 - 245) = 526$$

$$(859 - 259) : x = 200$$

ШУНДАЙ МУЛОҲАЗА ЎРИТИНГ

- Тенгламани соддалаштираман.
- Амалларнинг номаълум ҳадини аниқлайман.
- Ечаман.
- Текшираман.

5

Тенгламалар тузинг ва ечинг.

$$x + 320$$

$$560 + 200$$

$$x - 430$$

$$1000 - 530$$



## ГУРУХДА ИШЛАШ

6

Масалаларни тенгламалар ёрдамида ечинг.

- a)** Душанба куни кўргазмалардаги павильонларнинг бирига 958 та одам ташриф буюрди. Улардан 429 таси катталар, қолганларини бошланғич синф ўқувчилари ташкил қилди. Шу куни павильонга қанча бошланғич синф ўқувчилари ташриф буюрган?
- b)** Оқшом пайти кўргазмада концерт уюштирилди. Ўриндиқларга 586 та катта одамлар жойлашишди, болалар эса саҳна қаршисидан жой олишди. Агар концертга жами 800 та одам келган бўлса, улардан нечтасини болалар ташкил қилган?

## ИЖОДИЙ ИШ

7

Тенгликлар тўғри бўладиган қилиб ифодаларга қавсларни тўғри қўйинг.

$$100 - 45 + 75 : 5 = 40 \quad 100 - 45 + 75 : 5 = 26 \quad 100 - 45 + 75 : 5 = 76$$

## СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8

Ўйлаб кўринг ва жавоб беринг.

Меҳмонлар кўргазмани томоша қилиб бўлишгач қаҳвахонага киришди. Официантда 3 та кўк рангли ва 4 та қизил рангли пиёлалар бор эди. Столда ҳар бир рангдаги пиёлалардан нечтадан бўлиши мумкин? Мумкин бўлган барча нусхаларни айтинг.

## УЙ ВАЗИФАСИ

9

Ҳисобланг ва текширинг.

$$136 \cdot 4$$

$$432 \cdot 2$$

$$108 : 3$$

$$445 + 58$$

$$108 \cdot 4$$

$$504 : 3$$

$$508 : 2$$

$$680 - 497$$



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз 1 000 000 ичидаги сонлар билан танишасиз, кўп хонали сонларни ўқиш, ёзиш ва таққослашни ўрганасиз.



1

Жадвалда кўп хонали сонлар ёзилган. Уларни қандай ўқиш мумкин? Минглар синфининг номи айтиладими? Ўқинг.

3-синф – миллионлар синфи			2-синф – минглар синфи			1-синф – бирликлар синфи		
Юзлик мил- лион- лар	Ўнлик мил- лион- лар	Бирлик мил- лионлар	Юзлик минглар	Ўнлик минглар	Бирлик минглар	Юзлик- лар	Ўнлик- лар	Бирлик- лар
					5	1	0	7
				4	5	0	0	8
			3	4	5	0	6	0
			3	6	0	2	8	9
	1	0	0	0	0	0	0	0



ЁДДА САҚЛАНГ!

- Ҳар бир синфининг 3 тадан хонаси бор.
- Бирликлар, ўнликлар, юзликлар хонаси қандай бўлса, синвлар бўйича хоналарнинг номи ҳам айнан шундай.
- Бирликлар синфида саноқ – бирликлар билан, минглар синфида – мингликлар билан, миллионлар синфида – миллионлар билан олиб борилади.

2

Сонларни ўқинг ва таққосланг.

$5\ 980 * 9\ 000$

$489\ 000 * 213\ 478$

$125 * 55\ 352$

$650\ 000 * 65\ 000$

$33\ 000 * 100\ 055$

$999\ 999 * 1\ 000\ 000$

ЁДДА САҚЛАНГ!

Күп хонали

сонларни

таққослаш аввал

энг катта хонадан

бошланади.

ГУРУХДА ИШЛАШ

3

Сонларни ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг.

100 011

101 110

110 100

101 001

ЁДДА САҚЛАНГ!

Күп хонали сонларни ёзиш учун аввал:

1. Катта синф хона бирликлари сони ёзилади.
2. Сүнг навбатдаги синф бирликлари ёзилади.
3. Қулай бўлиши учун ўнгдан чапга қараб ҳар учта рақамдан кейин ажратиб ёзилади.

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

4А

Саёҳатчига айтилган сонларни тўғрилаб ёзинг.

Чет эллик сайёҳ сонларни ёзмоқчи бўлди. Лекин у сонларни қандай эшиттган бўлса шундай ёзганлиги сабабли кўп хатоларга йўл қўйди. Унга беш юз беш деб айтилса, у 5005 деб ёзди. Беш юз эллик сони ўрнига эса 50050 ёзди. Беш минг эллик сонини 500050 кўринишида ёзди.

4Б

Сайёҳ ёзган сонларни ўқинг.

**3-дарс** • Кўп хонали сонларнинг ҳосил бўлиши. Натурал сонлар қатори.  
Кўп хонали сонлар таркиби. Кетма-кетликлар

5

Кўп хонали сонларни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида қандай ёзиш кераклигини тушунтиринг. Намунани кўриб чиқинг. Карточкалардаги сонларни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида ёзинг.

Намуна:  $71\ 362 = 70\ 000 + 1\ 000 + 300 + 60 + 2$

902 005

456 000

250 452

950 402

6

Матнни ўқинг. Сонларни хона қўшилувчилари кўринишида ёзинг.

Республикамиз шимолда ва ғарбда Россия билан 7591 км умумий чегарага эга (дунёдаги қуруқлик орқали узлуксиз ўтувчи энг узун чегара), шарқда Хитой билан 1782 км, жанубда Қирғизистон билан 1241 км, Ўзбекистон билан 2354 км, Туркменистон билан 426 км умумий чегарага эга. Қуруқлик орқали ўтадиган умумий чегаранинг узунлиги қанча?



7

Масалани тенглама ёрдамида ечинг.

Шаҳар мактабларининг бирида 980 та ўқувчи ўқийди. Уларнинг 260 таси бошланғич синфларда, 340 таси ўрта синфларда, қолганлари юқори синфларда ўқишади. Юқори синфларда ўқийдиган ўқувчилар сони қанча?

ИЖОДИЙ ИШ

8

Сиз ўқиётган мактабда нечта ўқувчи борлигини аниқланг. Юқоридаги масалага ўхшаш масала тузишга ҳаракат қилиб кўринг.



## СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

## Үйлаб күринг ва жавоб беринг.


Севара ва Азизанинг вазни биргаликда 40 кг. Азиза ва Вова – 50 кг. Вова ва Сардор – 90 кг. Сардор ва Аброр – 100 кг. Аброр ва Севара – 60 кг. Севаранинг вазни қанча?



## ҮЙ ВАЗИФАСИ

10А

Диаграммадан йиллар бўйича қурилган мактаблардаги ўрин сонини аниқланг. Бу сонларни камайиб бориш тартибида ёзинг. Энг катта ва энг кичик ўрин сонини таққосланг.



10Б

Сонларни хона қўшилувчилари йигиндиси кўринишида ёзинг. Сонлар ёрдамида тўртта тенгсизлик ёзинг.



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз юз миллион ичидага күп хонали  
сонларни ўқишиш, ёзишиш, таққослашишни,  
сонларни күрсатилган хонагача  
яхлитлашишни ўрганасиз.



## 1 Сонларни ўқинг.

3-синф – миллионлар синфи			2-синф – минглар синфи			1-синф – бирлар синфи		
Юз мил- лион- лар	Ўн мил- лион- лар	Бир мил- лион- лар	Юз минглар	Ўн минглар	Бир минглар	Юзлар	Ўнлар	Бирлар
			3	7	2	0	0	0
			1	4	5	3	1	2
		1	5	2	8	6	0	9
	3	1	0	6	0	5	0	0
9	5	1	0	0	0	0	0	0
5	2	3	3	1	2	0	0	5

Миллион – бу мингта минглик бўлиб, битта бир ва олтита ноль билан ёзиладиган сон – 1 000 000. Миллион янги саноқ бирлиги бўлиб, навбатдаги синф – миллионлар синфининг бирлигидир.

## 2

Сонларни ўқинг ва уларни ўсиб бориш тартибида ёзинг.  
Барча жуфт сонларнинг тагига чизинг.

647 097 352      647      380 210      26 890 909      75 546 111

## ЁДДА САКЛАНГ!

Сондаги ҳар бир хона бирликларининг умумий сонини аниқлаш учун бундан олдинги хоналар бирликларини ажратиш зарур:

**123 456**

сонида

123 456 бирлик

12 345 6 ўнлик

1 234 56 юзлик

123 456 бирлик минг

123 456 ўнлик минг

123 456 юзлик минг

3

Карточкадаги сонларнинг ҳар бир хонасида ҳаммаси бўлиб нечта бирлик бор.

900 003

905 262

800 650

352 206

## ЁДДА САКЛАНГ!

Сонлар, агар тўлиқ аниқликнинг зарурати ёки унинг имкони бўлмаган ҳолларда яхлитланади. Сонни маълум бир хонагача яхлитлаш учун бу хона рақамининг тагига чизамиз, сўнгра чизилган рақам орқасидаги ҳамма рақамларни ноль билан алмаштирамиз. Агар ноль билан алмаштирилган биринчи рақам 0, 1, 2, 3 ёки 4 бўлса, у ҳолда тагига чизилган рақамни ўзгаришсиз қолдирамиз. Агар ноль билан алмаштирилган биринчи рақам 5, 6, 7, 8 ёки 9 га teng бўлса, у ҳолда чизилган рақамни 1 тага орттирамиз.

57|861

Яхлитланаёт-  
ган хона рақа-  
ми (минг) $57\underset{+1}{|}861 \approx 58\ 000$ 

57|361

Яхлитланаёт-  
ган хона рақа-  
ми (минг) $57\underset{-1}{|}361 \approx 57\ 000$


КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

4А

Шаҳар аҳолисини ўн минггача, қишлоқ аҳолисини юз минггача яхлитланг.

Қозоғистон Республикасининг аҳоли сони.

- Шаҳар – 10 638 700
- Қишлоқ – 7 757 000



4Б

Ҳар бир вилоятдаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисини таққосланг.

ИЖОДИЙ ИШ

5

Матнда берилген маълумотларни сонлар билан түлдириңг.

Мен яшаётган шаҳар (қишлоқ) да ... киши яшайди. Мен яшаётган шаҳар (қишлоқ) дан Нур-Султан шаҳригача бўлган масофа ... км. Қозоғистоннинг ер майдони ... км<sup>2</sup>.

Мен ... йилда туғилганман. Мен мактабни ... йил битираман. Менинг мактабимда ... та ўқувчи ўқийди.

## 6 Ҳисоблашларни бажаринг.

$20\ 999 + 1$

$2\ 000 - 1$

$200\ 000 - 1$

$345\ 999 + 1$

$52\ 399 + 1$

$65\ 999 + 1$

$318\ 000 - 1$

$765\ 000 - 1$

## 7

9 сонига кўпайтиришни қандай бажариш мумкинлигини ўйлаб кўринг ва тушунтиринг. Шу усулдан фойдаланиб ҳисобланг.

$46 \cdot 10$

$67 \cdot 10$

$25 \cdot 10$

$58 \cdot 10$

$19 \cdot 10$

$88 \cdot 10$

$46 \cdot 9$

$67 \cdot 9$

$25 \cdot 9$

$58 \cdot 9$

$19 \cdot 9$

$88 \cdot 9$

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

## 8

Болаларнинг ёши нечада эканлигини ҳисобланг. Жавобларингизни дафтарга ёзинг.



- Ҳамма болаларнинг умумий ёши 40 да.
- Сардор Абрордан 2 ёш катта.
- Вова ва Никита – эгизаклар.
- Аброр эгизаклардан 1 ёш катта.
- Аброрнинг ёши ҳамма болалар умумий ёшининг тўртдан бирига teng.

УЙ ВАЗИФАСИ

## 9

Топшириқни бажаринг.

6 та турли хил рақамлар айтинг. Улардан 3 та олти хонали сонлар тузинг. Ёзинг. Уларни ўсиш тартибида ёзинг. Бу сонларни ўнлик минггача яхлитланг.



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз кўп хонали сонлар билан арифметик амаллар бажаришни ўрганасиз.



1

Жадвални ўқинг ва сонларни яхлитланг:

а) миллионгача; б) юз минггача; в) ўн минггача.

Йил бошида 17 ёш гача бўлган болаларнинг жинси ва ёшига кўра сони

2016			2017		
жами	унинг ичидан		жами	унинг ичидан	
	ўғил болалар	қизлар		ўғил болалар	қизлар
5 459 028	2 803 263	2 655 765	5 623 387	2 889 156	2 734 231

2А

Сонларни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида ёзинг.

52 369	14 003	11 123	405 102
125 500	200 125	120 329	235 140
409 210	865 007	100 365	180 180

2Б

Берилган сонлардан 1 та ортиқ ва кам сонни айтинг.

3

Хисоблашларнинг қандай бажарилишини ту-шунтиринг. Ҳисобланг.

- |                   |                           |
|-------------------|---------------------------|
| a) 8 – 3          | 9 бирл. – 4 бирл.         |
| 8 000 – 3 000     | 9 минг – 4 минг           |
| 60 + 20           | 7 юз – 6 юз               |
| 60 000 + 20 000   | 7 юз минг – 6 юз минг     |
| 900 – 400         | 5 ўнл. + 2 ўнл.           |
| 900 000 – 400 000 | 5 ўнл. минг + 2 ўнл. минг |
| <br>              |                           |
| б) 300 + 50 + 9   | 3 000 + 500 + 90 + 4      |
| 359 – 9           | 3 594 – 4                 |
| 359 – 50          | 3 594 – 90                |
| 359 – 300         | 3 594 – 500               |
| 359 – 359         | 3 594 – 3 594             |



ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

4

Қозоғистон ҳақида берилган маълумотларни ўнлик минггача яхлитлаган ҳолда ёзинг.

- Республика худуди – **2 724 900 кв. км**
- 10.01.2017 й. аҳоли сони – **17 918 200 киши.**
- Энг йирик сув ҳавзалари:
  1. Каспий денгизи – **371 000 кв. км**
  2. Орол денгизи – **8 303 кв. км**
  3. Балхаш кўли – **16 400 кв. км**
- Худуди бўйича энг катта вилоят – Қарағанда вилояти – **428 000 кв. км**



5

Ҳисобланг.

$$87\ 900 - 3\ 000 - 500$$

$$320\ 000 + 4\ 000\ 000 + 60\ 000$$

$$126\ 987 - 20\ 000 - 80$$

$$7\ 480\ 000 - 5\ 000\ 000 - 400\ 000$$

$$480\ 000 + 900 + 2\ 000$$

$$56\ 700\ 000 - 6\ 000\ 000 - 300\ 000$$

6

Тенгламаларни ечинг.

$$18\ 000 + 300 + x = 20\ 000$$

$$75\ 900 - y = 45\ 000 + 5\ 000$$

ГУРУХДА ИШЛАШ

7

Ҳисобланг. Гуруҳда ким ҳаммадан тез ҳисоблайди? Устунлар қандай қонуниятга асосланиб тузилганлигини топинг. Шунга ўхшаш мисоллар устунини ўйлаб топинг, яна қайта ўйнанг.

125		5
1 250		50
12 500	+	500
125 000		5 000
125 000		50 000

155 555		5
155 555		50
155 555	-	500
155 555		5 000
155 555		50 000

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8

Сонларни ўқинг. Қонуниятни топинг. Қонуниятни давом эттириб, яна 3 та сон ёзинг.

120 021

230 032

340 043

## КУНДАЛИК ХАЁТДА МАТЕМАТИКА


9

Берилгандар бўйича жадвал тузинг ва тоғ чўққиларини ўсиш тартибида жойлаштиринг.

Қуйидаги саволлар бўйича масала тузинг:

- Қанча баланд ... ?
- Қанча паст ... ?

- |                            |  |
|----------------------------|--|
| • Белуха тоғи – 4 506 м    | • Улитов (Оқмечит чўққиси) – 1 133 м   |
| • Абай чўққиси – 4 010 м   | • Тянь-Шань тоғларининг Хон-Тангри чўққиси (6 995 м) ва Ғалаба чўққиси (7 439 м) |
| • Талғар чўққиси – 5 017 м |  |



## УЙ ВАЗИФАСИ

10

Ҳисобланг ва текширинг.

$900\ 000 - 600\ 000$

$125\ 000\ 000 - 20\ 000\ 000$

$58\ 000 - 45\ 000$

$290\ 000 + 310\ 000\ 000$

$125\ 000 - 20\ 000$

$45\ 000\ 000 - 11\ 000\ 000$



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз микроқалькулятор ёрдамида кўп хонали сонларни қўшиш ва айришни ўрганасиз.



1

Ҳисоблашлар қандай бажарилишини тушунтиринг.

$14\ 000 - 14\ 000$

$48\ 000 + 5\ 000$

$92\ 000 - 8\ 000$

$79\ 000 + 6\ 000$

$253\ 457 - 400 - 50 - 7$

$34\ 000 + 9\ 000$

$405\ 000 + 80\ 000 + 700$

$12\ 000 + 8\ 000$

$789\ 000 - 80\ 000 - 9\ 000$

$53\ 000 - 5\ 000$

$100\ 000 + 20\ 000 + 800 + 30$

$31\ 000 - 7\ 000$

ЁДДА САҚЛАНГ!

Ноль билан тугаган кўп хонали сонларни қўшиш ва айриш учун аввал уларни синфларга ажратиб олинг.

## МИКРОКАЛЬКУЛЯТОР

Кўп хонали сонларни микроқалькулятор ёрдамида ҳисоблаш қулай бўлади. Сиз бу қурилмани қаерда учратгансиз?



2

Ҳисоблашларни қандай бажаришни тушунтиринг. Текширинг.

$76\ 100 - 400$

$60\ 700 - 900$

$71\ 400 - 500$

$29\ 000 + 40\ 000$

$76\ 000 - 29\ 000$

$39\ 700 + 400$

## ИЖОДИЙ ИШ

3

Алмати ва Нур-Султан шаҳарлари аҳолиси сўнгги 10 йил ичидаганчага ўсганлигини микрокалькулятор ёрдамида ҳисобланг.

	Йил	Киши	Киши
Шаҳар		1999	2009
Нур-Султан шаҳри		328 341	613 006
Алмати шаҳри		1 130 621	1 365 632



4

Қулай усул билан ҳисоблашни тушунтириңг. Ҳисобланг.

$$\begin{array}{cccc}
 450\,035 & \rightarrow & - 999 & \rightarrow = 450\,036 \\
 & \downarrow & & \uparrow \\
 & - 1000 & & +1 \\
 & \downarrow & & \uparrow \\
 & = 449\,035 & &
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 567\,000 - 999 = \\
 765\,000 - 1\,999 = \\
 467\,000 - 60\,999 =
 \end{array}$$

## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

5

Ҳисобланг. Дўстингиздан текшириб беришини илтимос қилинг. Қўшиш қандай текширилади? Айриш қандай текширилади?

$$286\,000 - 80\,000 - 6000$$

$$905\,000 + 70\,000 + 7\,000$$

$$100\,000 + 70\,000 + 200 + 40$$

$$92\,000\,000 + 80\,000$$

$$82\,000\,000 - 60\,000\,000$$

$$56\,000\,000 - 9\,000\,000$$

## КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

## 6 Топшириқни бажаринг.

Бундан бир неча йил аввал олимлар Қозоғистон аҳолисининг компьютер билан ишлай олиш даражасини ўрганишди. Шу пайтда неча одам матнга муҳаррирлик қила олишини, қанча одам электрон почта билан фойдалана олишини айтинг. Сиз жадвалдан яна қандай ахборот ола биласиз?

	Матнни тера оладиган ва муҳаррирлик қила оладиганлар сони	Интернет ва электрон почтадан фойдалана оладиганлар сони	Бошқа дастурлардан фойдалана оладиганлар сони
Аҳолининг ҳаммаси	4 126 991	2 493 122	2 207 635
Эркаклар	1 881 676	1 159 782	1 025 816
Аёллар	2 245 315	1 333 340	1 181 819

## ИЖОДИЙ ИШ

## 7

Саккиз хонали сон ёзинг. Сиз бунда қандай рақамлардан фойдаланасиз? Мана шу рақамлардан қандай энг катта ва энг кичик сон ёзиш мумкин.

## СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

## 8

Ҳарфларни қандай рақамлар билан алмаштириш мумкин?

$$\begin{array}{r}
 \text{АБВГ} \\
 + \text{АБВГ} \\
 \hline
 \text{ВГДБГ}
 \end{array}$$

## УЙ ВАЗИФАСИ

## 9

Қайси ҳисоблашларни оғзаки, қайси бирини ёзма ҳисоблаш мумкин? Ифодаларнинг қийматини топинг. Ўзингизни микрокалькулятор ёрдамида текширинг.

$$\begin{array}{ll}
 (702\ 565 - 702\ 000) : 5 \cdot 3 & (960\ 502 - 60\ 000) - 0 \cdot 251 \cdot 2 \\
 (135\ 496 - 135\ 000) : 8 \cdot 4 & (235\ 000 + 745) - (30\ 000 + 5\ 000) \cdot 0
 \end{array}$$

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз кўп хонали сонларни устун  
кўринишида ёзма ҳисоблашни ўрганасиз.



1

Уч хонали сонларни ёзма қўшиш ва айриш алгоритми-  
ни ёдингизга туширинг. Кўп хонали сонлар устида ёзма  
амаллар қандай бажарилишини ўйлаб кўринг.

2

Ҳар бир мисолни ҳисоблаш алгоритмини тушунтиришга  
ҳаракат қилиб кўринг.

ЁДДА САҚЛАНГ!

Кўп хонали сонларни қўшишда бирликлар бирликларнинг та-  
гига, ўнликлар ўнликларнинг тагига, юзликлар юзликларнинг  
тагига, мингликлар мингликларнинг тагига ва ҳ.к.з. ёзилади.

Бирликларга бирликлар, ўнликларга ўнликлар, юзликларга юз-  
ликлар, мингликларга мингликлар ва ҳ.к.з. қўшилади.

$  \begin{array}{r}  + 5 \ 4 \ 2 \ 6 \\  + 3 \ 1 \ 8 \ 2 \\  \hline  8 \ 6 \ 0 \ 8  \end{array}  $	$  \begin{array}{r}  + 8 \ 9 \ 4 \ 3 \ 6 \\  + 3 \ 4 \ 7 \ 2 \ 5 \\  \hline  1 \ 2 \ 4 \ 1 \ 6 \ 1  \end{array}  $
$  \begin{array}{r}  + 4 \ 8 \ 6 \ 5 \ 3 \ 6 \\  + 3 \ 1 \ 2 \ 0 \ 1 \\  \hline  5 \ 1 \ 8 \ 1 \ 2 \ 9  \end{array}  \quad  \begin{array}{r}  + 2 \ 8 \ 7 \ 4 \ 3 \\  + 1 \ 4 \ 2 \ 7 \\  \hline  3 \ 0 \ 1 \ 7 \ 0  \end{array}  $	

- Ёзаман...
- Бирликларни қўшаман...
- Ўнликларни қўшаман...
- Юзликларни қўшаман...
- Мингликларни қўшаман...
- Ўнлик мингларни қўша-  
ман... ва ҳ.к.з.
- Жавобни ўқийман.

Ҳар бир мисолни ҳисоблаш алгоритмини тушунтиринг.

ЁДДА САҚЛАНГ!

Кўп хонали сонларни айиришда бирликлар бирликларнинг тагига, ўнликлар ўнликларнинг тагига, юзликлар юзликларнинг тагига, мингликлар мингликларнинг тагига ва ҳ.к.з. ёзилади.

Бирликлардан бирликлар, ўнликлардан ўнликлар, юзликлардан юзликлар, мингликлардан мингликлар ва ҳ.к.з. айирилади.

$\begin{array}{r} 8567 \\ - 3284 \\ \hline 5283 \end{array}$	$\begin{array}{r} 12680 \\ - 7453 \\ \hline 5227 \end{array}$
$\begin{array}{r} . 9 9 10 \\ - 40003 \\ \hline 352 \end{array}$	$\begin{array}{r} . 9 9 10 9 \\ - 600100 \\ \hline 54273 \end{array}$
$39657$	$545827$

1. Ёзаман...
2. Бирликларни айираман...
3. Ўнликларни айираман...
4. Юзликларни айираман...
5. Мингликларни айираман...
6. Ўнлик мингларни айираман... ва ҳ.к.з.
7. Жавобни ўқийман.

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

3

Ифодаларни устун кўринишида ёзиб ҳисобланг.

$$984\ 140 - 568$$

$$125\ 659 - 4\ 128$$

$$85\ 025 - 49\ 145$$

$$445\ 200 + 6\ 257$$

$$550 + 3\ 644$$

$$22\ 300 + 65\ 478$$

4

Ёзма ҳисобланг. Қандай ҳисоблаганингизни тушунтиринг.

$$5\ 003 - 845$$

$$5\ 000 - 153$$

$$80\ 000 - 24\ 150$$

$$600\ 000 - 6\ 704$$

$$150\ 082 - 27\ 563$$

$$510\ 082 - 53\ 826$$

## МАТЕМАТИКА КУНДАЛИК ҲАЁТДА

## 5 Масалани ечинг.

Мен Алмати шаҳрида яшайман. Синфимиз ўқувчилари Нур-Султан шаҳрида ўтадиган болалар фестивалига боришни режалаштиromoқдалар. Биз онлайн билетлар олмоқчи бўлдик. Изланишларимиз нимани кўрсатганига эътибор беринг.

Энг арzon билет танлашга ёрдам беринг. Тез юрар поездига битта катталар ва битта болалар билетининг биргаликдаги баҳоси қанча бўлади?



	Йўлдаги умумий вақт	Катталар билети	Болалар билети
1	16 : 06 : 00	12 114 KZT	6 050 KZT
2	16 : 06 : 00	15 115 KZT	7 158 KZT
3	18 : 24 : 00	10 475 KZT	5 240 KZT
4	18 : 24 : 00	6 761 KZT	3 380 KZT

## МАТЕМАТИКА КУНДАЛИК ҲАЁТДА

## 6 Жадвалда авиакассаларнинг бирида нечта билет сотилгани кўрсатилган. Биринчи уч ойда, ярим йилда нечта билет сотилганини ҳисобланг.

## Сотилган билетлар сони

январь	беш минг беш
февраль	ўн минг уч юз саккиз
март	ўн икки минг беш юз саккиз
апрель	тўққиз юз эллик уч
май	тўрт минг тўрт юз тўқсон
июнь	икки минг йигирма

ИЖОДИЙ ИШ

7

Болалар Алматидан Нур-Султан шаҳрига етиб боргунларига қадар йўлда зериқмасликлари учун сонлар билан ўйин ўйлаб топдилар.

Ифодаларни дафтарингизга устун қўринишида ёзинг. 3, 7, 6, 2 рақамларидан энг катта ва энг кичик тўрт хонали сонлар тузинг. Уларнинг айирмасини топинг. Айирма рақамларидан энг катта ва энг кичик сонлар тузинг. Яна уларнинг айирмасини топинг.

8

Матнни ўқинг. Сонларни ўсиб бориш тартибида ёзинг. Қайси давлатда иккита катта шаҳарлар орасидаги масофа энг катта? Хулоса ясанг.

Темир йўл билан Нур-Султан шаҳридан Алматигача бўлган масофа 1354 км, автомобиль йўли билан 1200 км. Станбул шаҳридан Анкарагача бўлган масофа 450 км, Нью-Йоркдан Вашингтонгача 228 км, Сиднейдан Канберрагача 300 км. Пекиндан Шанхайгача бўлган масофа 1318 км.

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Масалани ечинг.

Автовокзалда 7 та катта ва 5 та кичкина автобус турган эди. 6 та автобус рейсга кетди. Рейсга 1 та катта автобус ва 5 та кичик автобус кетган, дея оламизми? Барча мумкин бўлган имкониятларни кўриб чиқинг.

УЙ ВАЗИФАСИ

10

Ҳисоблашларни ёзма бажаринг.

$$1\ 000\ 000 - 234 \\ 378\ 992 + 524$$

$$100\ 568 - 90\ 854 \\ 100\ 169\ 004 + 771\ 001$$




Қозғистонда күз

## Күп хонали сонларни ёзма қүшиш ва айриш

МУСТАХКАМЛАШ

Сиз күп хонали сонлар билан  
хисоблашлар олиб борасиз ва  
текширасиз.



1

Вақтга қараб ҳисобланг. Дүстингизни текширинг. Текширишни қандай олиб бораётганингизни тушунтириңг.

$34\ 000 + 12\ 000$

$99\ 000\ 000 + 4\ 000\ 000$

$12\ 000 + 87\ 000$

$5\ 000\ 000 + 58\ 000\ 000$

$84\ 000 - 63\ 000$

$7\ 000\ 000\ 000 + 46\ 000\ 000$

$92\ 000 - 81\ 000$

$65\ 000\ 000 + 9\ 000\ 000\ 000$

2А

Устунлардан бирини танланг. Ҳисоблашларни устун күринишида текшириш билан ишланг.

$53\ 200 - 5\ 097$

$34\ 209 + 4\ 908$

$100\ 000 - 99\ 005$

$31\ 200 - 7\ 086$

$48\ 209 + 50\ 078$

$609\ 000 - 70\ 901$

2Б

Масалага чизма чизинг ва ифода ёрдамида ечинг.

МУСТАҚИЛ ИШ



Аброр 15 450 м масофада жойлашган қүшни қышлоққа йўл олди. У 3050 м масофани отда ва 10 500 м масофани велосипедда босиб ўтди. Қолган масофани пиёда босиб ўтди. Аброр қанча масофани пиёда босиб ўтган? Масаланинг жавобини километр ва метр билан ифодаланг.

3

Масалани ечинг. Тескари масала тузинг ва ечинг.

Кузда сабзавот омборига 900 000 кг сабзи олиб келинди. Биринчи куни 320 500 кг, иккинчи куни 460 150 кг, қолганини учинчи куни олиб келишди. Учинчи куни қанча сабзи олиб келинган? Масаланинг жавобини тонна ва килограммда ифодаланг.

4

Таққосланг.

$$734\ 345 * 778\ 345$$

$$609\ 987 * 609\ 978$$

$$209\ 808 * 890\ 209$$

$$1\ 000\ 000 - 999 * 100\ 000 - 99\ 799$$

$$800 + 100\ 800 * 799\ 800 - 100\ 100$$

$$182\ 503 + n * n + 185\ 203$$

жуфтлиқда ишлаш

5

Сонлар билан ўйин ўтказинг. Ифодаларни дафтарингизга устун шаклида ёзинг.

2, 5, 7, 4, 1 рақамларидан фойдаланиб энг катта ва энг кичик беш хонали сонлар ёзинг. Уларнинг айирмасини топинг. Айирма рақамларидан фойдаланиб энг катта ва энг кичик сонларни ёзинг. Уларнинг ҳам айирмасини топинг. Бу кетма-кетликни 3 марта такрорланг.

6

Ёзма ҳисобланг. Текширинг.

$$903\ 256\ 251 + 1\ 954\ 101$$

$$100\ 456\ 925 - 85\ 256\ 000$$

## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

7

Масалаларни ифодалар ёрдамида ечинг.

- a)** Қишлоқларнинг биридаги 18 ёшгача бўлган аҳоли сони 900тани, қўшни қишлоқдагиларнинг сони эса бунинг учдан бир қисмини ташкил этади. Икки қишлоқдаги 18 ёшгача бўлган аҳоли сони нечтани ташкил этади?
- б)** Йўловчининг 9 800 тенгеси бор эди. У 4 200 тенгега поездга ва 500 тенгега автобусга билет сотиб олди. Унинг қанча пули қолди?
- в)** Йўловчининг 9 800 тенге пули бор эди. У Алматигача 4 200 тенгега ва ортга қайтиш учун яна шунча тенгега билет сотиб олди. Йўловчининг қанча пули қолди?

8

Тенгламаларни ечиш алгоритмини ёдингизга туширинг.  
Уларни ечинг.

$$70\ 000 - x = 214 \cdot 2$$

$$x + 10\ 009 = 21\ 100$$

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Масалани ечинг.

Уч дугона – Вера Оля ва Таня ўрмонга мева теришга бордилар. Улар меваларни солиш учун ўзлари билан сават, челакча ва халта олишган. Агар Олянинг сават ҳам, халта ҳам олмаганлиги, Веранинг халта олмаганлиги маълум бўлса, ҳар бир қиз ўзи билан нимани олган?


УЙ ВАЗИФАСИ

10

Устун шаклида ёзиб ҳисобланг. Ҳисоблашларни микроқалькулятор ёрдамида текширинг.

$$(1\ 000\ 000 - 234) + (378\ 992 + 524\ 100)$$

$$(100\ 568 + 90\ 854) - (771\ 001 - 669\ 004)$$



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз янги ўлчов бирлиги – миллиграмм билан танишасиз. Катталиклар қийматини таққослайсиз.



1

Масса ўлчов бирликларининг ўзаро боғлиқ эканлигини ёдингизга туширинг.

a) Аброр китнинг массаси 3 т эканлигини айтса, Севара китнинг массаси 30 ц дейди. Ойгул эса китнинг массаси 3000 кг дейди. Кимнинг жавоби тўғри?

б) Ёзинг:

$$1 \text{ кг} = \boxed{\phantom{0}} \text{ г}$$

$$1 \text{ т} = \boxed{\phantom{00}} \text{ кг}$$




$$1 \text{ ц} = \boxed{\phantom{0}} \text{ кг}$$

$$1 \text{ т} = \boxed{\phantom{00}} \text{ ц}$$

ЁДДА САҚЛАНГ!

Масса ўлчов бирликларини камайиш тартибида жойлаштиринг. Массанинг бундан ҳам кичикроқ ўлчов бирлиги бор. Бу – миллиграмм (мг).


$$1 \text{ г} = 1000 \text{ мг} \quad 1 \text{ кг} = 1000 \text{ 000 мг}$$



КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

2

Нималар миллиграммларда ўлчанишини кўриб чиқинг. Ўзингиз мисоллар тавсия қилинг.



3

Миллиметрларда ифодаланг ва ўсиш тартибida ёзинг.

5 г 200 мг

3 г 61 мг

4 г 35 мг

1 кг 20 г

4

Үқинг. Ҳар бир масалага мос чизма танланг. Уларни ечинг.

**a)** Вилоят деҳқонлари 70 571 тонна картошка етиширишди. Вилоят аҳолиси эҳтиёжи учун эса 90 000 тонна картошка зарур эди. Бошқа вилоятлардан неча тонна картошка олиб келиш керак бўлади?

**б)** Жорий йил вилоят боғбонлари олмадан 86 000 кг ҳосил йиғиб олишди. Ўтган йили бу йилгидан 6 555 кг кам ҳосил олинган эди. Икки йилда олмадан қанча ҳосил йиғиб олинган?

**в)** Жорий йилда вилоят шоликорлари 502 525 тонна шоли етишириб, юқори кўрсаткичга эга бўлишди. Ўтган йилги ҳосил бу йилгидан 5456 т кам эди. Ундан аввалги йил эса ўтган йилгига қараганда 2315 т кам бўлган эди. Ундан аввалги йил неча тонна шоли етиширилган эди?

1)  + ( - )    2)  -  -     3)  -

#### ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

5А

Микроқалькулятордан фойдаланиб, кузги, қишиги, баҳорги ва ёзги таътиллар қанча давом этишини ҳисобланг:

**a)** соат;**б)** минут;**в)** секунд.

5Б

Микроқалькуляторда ҳисоблаш учун қизиқарли топшириқлар ўйлаб топинг. Топшириқларни дўйстларингиз билан алмашинг ва ҳисобланг.

ИЖОДИЙ ИШ

6

Аброр тузган «Мисоллар поезди»ни кўриб чиқинг.

Ифодаларни дафтарингизга ёзинг. 7, 6, 2, 1, 0 рақамларидан фойдаланиб, энг катта ва энг кичик беш хонали сонлар ёзинг. Уларнинг айирмасини ёзинг. Мана шу ҳаракатлар кетма-кетлигини 3 марта такрорланг.

$$\begin{array}{r} \overset{.}{9} \overset{.}{6} \overset{.}{5} \overset{.}{1} \\ - 1 \overset{.}{5} \overset{.}{6} \overset{.}{9} \\ \hline 8 \overset{.}{0} \overset{.}{8} \overset{.}{2} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} \overset{.}{8} \overset{.}{8} \overset{.}{2} \overset{.}{0} \\ - 2 \overset{.}{0} \overset{.}{8} \overset{.}{8} \\ \hline 6 \overset{.}{7} \overset{.}{3} \overset{.}{2} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} \overset{.}{7} \overset{.}{6} \overset{.}{3} \overset{.}{2} \\ - 2 \overset{.}{3} \overset{.}{6} \overset{.}{7} \\ \hline 5 \overset{.}{2} \overset{.}{6} \overset{.}{5} \end{array}$$

7

Топшириқни бажаринг.

Чарос сайтдан автомобиль йўли бўйлаб шаҳарлар орасидаги масофани билиб олди. Қайси шаҳар Атировдан узоқроқ жойлашган ва қанча километр узоқда жойлашган?



КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

8

Топшириқни бажаринг.

Сиз яшайдиган аҳоли пунктидан Нур-Султан шаҳригача неча километр эканлигини аниқланг. Агар сиз Нур-Султан шаҳрида яшаётган бўлсангиз, унда Алмати шаҳригача неча километр бўлади? Сиз яшаётган аҳоли пунктидан энг яқин жойлашган катта шаҳаргача бўлган масофани аниқланг. Бу масофаларни таққосланг.

9 Масалани ечинг.



Томорқаларнинг биридан ҳар бирининг массаси 1 кг, 2 кг, 3 кг, 4 кг, 5 кг, 6 кг ва 7 кг бўлган 7та қовоқ узишди. Ҳамма қовоқларни 4та саватларга уларнинг массалари тенг бўладиган қилиб жойлаштиришди. Буни қандай амалга оширишган?

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

10 Масалани ечинг.

Онаси Ойгулга 45та помидорни 3та идишнинг иккитасига тенг қилиб, учинчи идишга эса ҳар бир идишдагидан 2 марта кам бўладиган қилиб жойлаштиришни айтди. Ойгул помидорларни қандай жойлаштириди деб ўйлайсиз?

УЙ ВАЗИФАСИ

11 Ҳисобланг ва текширинг.

$$900\ 487 - 45\ 789$$

$$647\ 802 + 145\ 009$$

$$902\ 156 - 87\ 099$$

$$378\ 992 + 524\ 100$$

$$563\ 409\ 158 - 56\ 743\ 000$$

$$1\ 000\ 000\ 000 - 454\ 360\ 007$$

ФИКР АЛМАШИНГ  
ТАВСИЯ ЭТИНГ  
ЎЙЛАБ КЎРИНГ



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз ҳажм ўлчовларини ва уларнинг нисбатини билиб оласиз. Кубнинг ва тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажмларини  $\text{см}^3$  да ўлчашни ўрганасиз.

Куб  
миллиметр ( $\text{мм}^3$ )  
Куб  
декиметр ( $\text{дм}^3$ )  
Куб  
метр ( $\text{м}^3$ )



1


Фазовий фигуранлар номини ёдингизга туширинг. Уларнинг қайси бири томонлари  $1 \text{ см}^3$  бўлган кубчаларни жойлаштириш мумкин бўлган қутига ўхшайди?



Аброр қуйидагича ҳисоблади: у битта қатламдаги томонлари  $1 \text{ см}^3$  бўлган кубчаларни санаб чиқди.  $5 \cdot 3 = 15$  та кубча. Ҳосил бўлган сонни қатламлар сонига, яъни 4 га кўпайтирди.

$$15 \cdot 4 = 60 \text{ та кубчалар}$$



Сиз қандай усул билан санадингиз?



## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

2

Худди шу усул билан кубнинг ҳажмини қандай ҳисоблаш мүмкін? Томонлари 3 см бўлган қутига томонлари 1 см<sup>3</sup> бўлган қубчаларни тахлаб чиқишиди. Қандай ҳисоблашингизни тушунтиринг.



Берилган ҳажм ўлчов бирликларини кўриб чиқинг ва уларни тасаввур қилинг. Теварак атрофдан худди шу ҳажмдаги нарсаларни топишга ҳаракат қилинг.

$$1 \text{ см}^3 = 1\,000 \text{ мм}^3$$

$$1 \text{ дм}^3 = 1\,000\,000 \text{ мм}^3$$

$$1 \text{ дм}^3 = 1\,000 \text{ см}^3$$

$$1 \text{ м}^3 = 1\,000\,000 \text{ см}^3$$

$$1 \text{ м}^3 = 1\,000 \text{ дм}^3$$

$$1 \text{ л воды} = 1 \text{ дм}^3$$

3Б

Таққосланг.

$$5 \text{ м}^3 * 5\,000 \text{ дм}^3$$



$$5 \text{ дм}^3 * 5\,000 \text{ см}^3$$

$$10\,000 \text{ см}^3 * 5 \text{ дм}^3$$

$$1 \text{ м}^3 * 10\,000 \text{ см}^3$$

$$5 \text{ см}^3 * 5\,000 \text{ мм}^3$$

$$1 \text{ дм}^3 * 500\,000 \text{ мм}^3$$



3В

Берилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$12 \text{ м}^3 = \boxed{\phantom{00}} \text{ дм}^3$$

$$1\ 000\ 000 \text{ мм}^3 = \boxed{\phantom{000}} \text{ см}^3$$

$$3 \text{ м}^3 = \boxed{\phantom{00}} \text{ дм}^3$$


$$1 \text{ дм}^3 = \boxed{\phantom{00}} \text{ см}^3 = \boxed{\phantom{000}} \text{ мм}^3$$

4

Мана бу қутиларга томонлари 1 см бўлган кубчалардан нечта сифишини санашга ҳаракат қилиб кўринг. Шунда сиз ҳажмни куб сантиметрларда ( $\text{см}^3$ ) билиб оласиз.

1 см

3 см



1 см


8 см

4 см

5

Ўйлаб кўринг ва саволларга жавоб беринг.

Қирралари 3 см бўлган яшил ёғоч кубчани арралаб, қирралари 1 см кубчаларга бўлишди. Уч томони бўялган нечта кубча ҳосил бўлди? Икки томони бўялган кубчаларчи? Бир томони бўялган нечта кубча ҳосил бўлди?



6

Бир хонали сонлар кубининг қийматларини ёдингизга туширинг. Бир хонали сонлар ҳамда 10 сонининг куби ва квадрати нечага teng эканлигини ёзинг.

1

8

27

64

125

216

343

512

729

1 000

$1^3$

$2^3$

$3^3$

$4^3$

$5^3$

$6^3$

$7^3$

$8^3$


$9^3$

$10^3$

## КУНДАЛИК ХАЁТДА МАТЕМАТИКА

7

Сиз 1 л сувни қирралари 1 дм бўлган куб шаклидаги идишга сифишини биласизми?



Қайси идишдаги сувни мана бу кубга қуишиш мумкин?



## ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

8

Устун кўринишида ёзма ҳисобланг. Дўстингиз учун шунга ўхшаш мисоллар тузинг ва унинг тўғри бажарилганлиги ни текширинг.

$$345 + 345$$

$$321 - 123$$

$$3\ 456 + 3\ 456$$

$$4\ 321 - 1\ 234$$

$$34\ 567 + 34\ 567$$

$$54\ 321 - 12\ 345$$

$$345\ 678 + 345\ 678$$

$$654\ 321 - 123\ 456$$

## СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Масалани ечинг.

Уч ака-ука ичида 99 та қимматбаҳо тошлар бўлган хазина топиб олишди. Унинг ичида 7 та садаф, 8 та гавҳар, 9 та феруза, 10 та агат, 11 ёқут, 12 та топаз, 13 та сапфир, 14 та зумрад, 15 та олмос бор эди. Ака-укалар қанча уринишса ҳам тошларни тенг бўлишолмади. Улар заргарга мурожаат қилишди. Заргар ака-укаларнинг ҳар бири тошларнинг уч хил туридан 33 тадан тош олишларини тавсия этди. Буни қандай амалга ошириш мумкин?

## ЎЙ ВАЗИФАСИ

10

Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$500 \text{ г } 3 \text{ мг} = \boxed{\quad} \text{ мг}$$

$$3 \text{ см}^2 = \boxed{\quad} \text{ мм}^2$$

$$4\ 000 \text{ дм}^3 = \boxed{\quad} \text{ м}^3$$


$$300\ 000 \text{ мг} = \boxed{\quad} \text{ г}$$

$$14 \text{ в.} = \boxed{\quad} \text{ лет}$$

$$5\ 000 \text{ дм}^3 = \boxed{\quad} \text{ м}^3$$

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз янги юз бирликлари ар,  
гектар билан танишасиз.



1

Узунлик ва юз бирликлари жадвалини ёдингизга туши-  
ринг. Бу жадвалда сиз биринчи бўлиб қайси ўлчов бир-  
лиги билан танишгансиз? Квадрат метрдан қандай юз-  
ларни ўлчашда фойдаланилади?

**Юз бирликлари**

$$1 \text{ см}^2 = 100 \text{ мм}^2$$

$$1 \text{ дм}^2 = 100 \text{ см}^2$$

$$1 \text{ м}^2 = 100 \text{ дм}^2$$


$$1 \text{ дм}^2 = 10\,000 \text{ мм}^2$$

$$1 \text{ м}^2 = 10\,000 \text{ см}^2$$

$$1 \text{ км}^2 = 1\,000\,000 \text{ м}^2$$

2

Метрларни километрларда ифодаланг. Расмда ўлчамла-  
ри берилган түғри түртбурчак шаклидаги экин майдонла-  
рининг юзини квадрат километрларда ҳисобланг.



ЁДДА САКЛАНГ!

**Ар – метрик саноқ системаси бирлиги бўлиб,  
томони 10 м бўлган квадратнинг юзига тенг, яъни**  

$$1 \text{ а} = 10 \text{ м} \cdot 10 \text{ м} = 100 \text{ м}^2$$

**Гектар – метрик саноқ системаси бирлиги бўлиб,  
ер участкаларини ўлчашда фойдаланилади.**  
**1 га томони 100 м бўлган квадратнинг юзига тенг.**  

$$1 \text{ га} = 100 \text{ а} = 100 \text{ м} \cdot 100 \text{ м} = 10000 \text{ м}^2$$

3А

Юз ўлчов бирликлари нисбатларини кўриб чиқинг. Берилганлардан таққослашда ва бошқа ўлчамга ўтказишда фойдаланинг.

3Б

Сонларни таққослашдан аввал нима қилиш керак деб ўйлайсиз? Таққосланг.

$$\begin{array}{l} 5 \text{ м}^2 * 50 \text{ см}^2 \\ 5 \text{ дм}^2 * 505 \text{ см}^2 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 10\,000 \text{ м}^2 * 5 \text{ га} \\ 10 \text{ м}^2 * 50\,050 \text{ см}^2 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 6 \text{ кв. м} * 60 \text{ кв.дм} \\ 5 \text{ га} * 50\,000 \text{ м}^2 \end{array}$$

3В

Ҳисобланг. Ҳисоблаш алгоритмини тузишга ҳаракат қилиб кўринг.

$$\begin{array}{l} 2 \text{ га} - 2\,000 \text{ м}^2 \\ 30 \text{ м}^2 - 300 \text{ дм}^2 \\ 5 \text{ см}^2 + 500 \text{ дм}^2 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 50 \text{ дм}^2 + 50 \text{ м}^2 \\ 7 \text{ м}^2 + 70 \text{ дм}^2 \\ 8 \text{ а} - 80 \text{ м}^2 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 60 \text{ а} + 30 \text{ м}^2 \\ 10 \text{ см}^2 + 1\,000 \text{ см}^2 \\ 500 \text{ м}^2 + 6 \text{ а} \end{array}$$

ЁДДА САҚЛАНГ!

Миқдорларни ҳисоблаш алгоритми

1. Каттароқ бирликларни майдароқ бирликлар билан алмаштирамиз.
2. Берилган амал бажарылади.
3. Майдароқ бирликларни йирикроқ бирликлар билан алмаштирамиз.



4

Бўлинманинг қийматини топинг.

a)  $36 \text{ дм} : 9$        $400 \text{ кг} : 4$        $100 \text{ см}^3 : 2$

Хулоса ясанг: миқдорларни сонга бўлиш натижасида ... ҳосил бўлади.

b)  $27 \text{ дм} : 9 \text{ см}$        $400 \text{ а} : 100 \text{ а}$        $10 \text{ дм}^3 : 100 \text{ см}^3$   
 $69 \text{ т} : 23 \text{ т}$        $1 \text{ км} : 500 \text{ м}$        $800 \text{ м}^3 : 8 \text{ м}^3$

Хулоса ясанг: миқдорларни миқдорларга бўлиш натижасида ... ҳосил бўлади.

5

Қўйидаги матнларни масала деб айтиш мумкинми?

Нима учун? Масала бўлиши учун матнни тўлдиринг. Масалаларни ечинг.

a) Далаҳовлининг бўйи 25 м, эни 20 м. Умумий ер майдонининг ярмини олмазор ташкил этади. Умумий ер майдонининг тўртдан бир қисмини нокзор эгаллаган. Майдоннинг қолган қисмини бутазор ташкил қиласди.

b) Фермер хўжаликларидан бирида 500 га ер майдони бор. 50 га майдонга ғалла экилган. Гречиха учун ғалла майдонига қараганда 5 марта ортиқ ер майдони ажратилган. Қолган ер майдонига жавдар экилган.

6

Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$3 \text{ га} = \boxed{\phantom{0}} \text{ м}^2$

$45 \text{ га} = \boxed{\phantom{0}} \text{ а} = \boxed{\phantom{0}} \text{ м}^2$


$1\,000\,000 \text{ мм}^2 = \boxed{\phantom{0}} \text{ см}^2$

$4 \text{ дм}^2 = \boxed{\phantom{0}} \text{ см}^2 = \boxed{\phantom{0}} \text{ мм}^2$

ИЖОДИЙ ИШ

7

Қандай ясси предметлар, ер майдони ёки жойлар  $1 \text{ см}^2$ ,  $1 \text{ дм}^2$ ,  $1 \text{ м}^2$ ,  $1 \text{ а}$ ,  $1 \text{ га}$ ,  $1 \text{ км}^2$  каби үзларга әга бўлиши мумкин.



СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8

Үйланг ва жавоб беринг.

Болалар йилқиларни суғорышга олиб боришли. Агар саноқда 26 бош ва 82 оёқ ҳосил бўлган бўлса, болалар нечта ва отлар нечта бўлган? Жавоб нусхаларини кўриб чиқинг. Улардан қайси бири тўғри? Исботланг.

13 та болалар,  
13 та йилқилар.

11 та болалар,  
15 та йилқилар.

6 та болалар,  
20 та йилқилар.

УЙ ВАЗИФАСИ

9

Хисобланг.

$$55\ 000 \text{ дм}^2 - 500 \text{ см}^2$$

$$800 \text{ м}^2 : 4 \text{ м}^2$$

$$32\ 000 \text{ м}^2 + 500 \text{ а}$$

$$20 \text{ см}^3 + 2\ 000 \text{ см}^3$$

$$800 \text{ м}^2 + 1 \text{ а}$$

$$50 \text{ га} - 50 \text{ а}$$



МУСТАҲКАМЛАШ

Сиз юз, ҳажм, вақт бирликларини ўзгартирасиз ва улар устида амаллар бажарасиз.



1

Юз ва ҳажм ўлчов жадвалини ёдингизга туширинг. Информаларнинг қийматини топинг.

$1 \text{ см}^3 = 100 \text{ мм}^3$

$1 \text{ дм}^3 = 200 \text{ см}^3$

$100 \text{ м}^2 + 2 \text{ га}$

$800 \text{ а} : 2$

$1000 \text{ см}^3 = 1 \text{ дм}^3$

$400 \text{ м}^2 : 4$

$200 \text{ дм}^3 + 100 \text{ м}^3$

$10 \text{ см}^3 + 1000 \text{ см}^3$

$5 \text{ м}^3 : 100 \text{ дм}^3$

$500 \text{ м}^3 + 100 \text{ дм}^3$

$5 \text{ м}^3 + 100 \text{ дм}^3$

$50 \text{ м}^2 + 100 \text{ дм}^2$

2А

Юз ўлчов жадвалидан фойдаланиб ҳисоблашни бажаринг.

$1 \text{ см}^2 = 10 \text{ мм}^2$

$1 \text{ см}^2 = 1 \text{ мм}^2$

$100 \text{ мм}^2 = 10 \text{ мм}^2$

$1 \text{ м}^2 = 100 \text{ мм}^2$

$1 \text{ га} = 10 \text{ а}$

$1 \text{ дм}^2 = 10 \text{ см}^2$

$1 \text{ дм}^2 = 1 \text{ см}^2$

ЁДДА САҚЛАНГ!

Юз ўлчов жадвали:

$1 \text{ см}^2 = 100 \text{ мм}^2$

$1 \text{ дм}^2 = 100 \text{ см}^2$

$1 \text{ м}^2 = 100 \text{ дм}^2$

$1 \text{ дм}^2 = 10000 \text{ мм}^2$

$1 \text{ м}^2 = 10000 \text{ см}^2$

$1 \text{ км}^2 = 1000000 \text{ м}^2$

$1 \text{ га} = 10000 \text{ м}^2$

$1 \text{ а} = 100 \text{ м}^2$

2Б

Ҳажм ўлчов жадвалидан фойдаланиб ҳисоблашни бажаринг.

$1000 \text{ см}^3 : 4$

$1 \text{ м}^3 + 200 \text{ дм}^3$

$100 \text{ мм}^3 + 10 \text{ см}^3$

$1000 \text{ см}^3 + 100 \text{ дм}^3$

$1 \text{ м}^3 - 1 \text{ дм}^3$

$10000 \text{ мм}^3 : 50$

$100 \text{ дм}^3 + 100 \text{ см}^3$

$1000 \text{ см}^3 : 20$

Ҳажм ўлчов жадвали:

$1 \text{ см}^3 = 1000 \text{ мм}^3$

$1 \text{ дм}^3 = 1000 \text{ см}^3$


$1 \text{ м}^3 = 1000 \text{ дм}^3$

## ИЖОДИЙ ИШ

3

Дунёдаги 10 та энг йирик давлатлар майдонини билиб олинг. Россия ва Алжир, Қозоғистон ва Канада давлатлари майдонини таққосланг. Жадвалга қараб саволлар беринг. Диаграммада қайси давлат номи тушириб қолдирилган?

Давлатлар	Ер майдони, км <sup>2</sup>	Давлатлар	Ер майдони, км <sup>2</sup>
Россия	17 124 442	Австралия	7 692 024
Канада	9 984 670	Хиндистон	3 287 590
Хитой	9 598 077	Аргентина	2 780 400
АҚШ	9 526 468	Қозоғистон	2 724 900
Бразилия	8 514 877	Алжир	2 381 741




4

Жадвал бўйича тўғри тўртбурчак ҳақида масала тузинг ва ечининг.

Бўйи	Эни	Периметри	Юзи
12 м	? м	? м	96 м <sup>2</sup>
? см	20 см	? см	860 см <sup>2</sup>
30 м	? м	? м	750 м <sup>2</sup>
60 см	? см	? см	720 см <sup>2</sup>

5


Бир хонали сонлар ва 10 сонининг квадратлари қийматини ёдингизга туширинг. Яхлит ўнликлар ва 100 сонининг квадратини топинг. Ҳисобланг.



$$\begin{array}{ll}
 1^2 + 10^2 & 6^2 + 60^2 \\
 2^2 + 20^2 & 7^2 + 70^2 \\
 3^2 + 30^2 & 8^2 + 80^2 \\
 4^2 + 40^2 & 9^2 + 90^2 \\
 5^2 + 50^2 & 10^2 + 100^2
 \end{array}$$

6

Фермернинг энг катта ер майдони юзини топинг.



7

Сиз қандай юз үлчов бирлиги сотих деб айтилишини биласизми? Тұғри жавобни белгиланг.

Фермер 4 соат давомида 12 сотих ерни шудгорлади. Фермер 6 соатта неча сотих ерни шудгорлайды.

а) 8 сотих

б) 18 сотих

в) 12 сотих

8

Хисобланг.

- а) Боғламда ҳар бири 500 мг бўлган 10 та ҳапдори (таблетка) бор. Боғламдаги ҳапдорилар неча граммни ташкил қиласиди?
- б) Ҳозир соат эрталабки 8 ни кўрсатиб турибди. 360 минутдан кейин соат нечани кўрсатади?
- в) Соат 14 ни кўрсатиб турибди. 90 минутдан сўнг соат нечани кўрсатади?
- г) 2 йил аввал Алия 8 ёшда, онаси 34 ёшда эди. 3 йилдан кейин Алия ва онаси неча ёшда бўлади?

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Масалани ечинг.

8 та айнан бир-бирига ўхшаш деталь тайёрлашган бўлиб, улардан биттаси бошқаларга қараганда енгилроқ. Бу енгил детални қадоқ тошларисиз тарози ёрдамида фақат икки марта тортиш орқали қандай ажратиб олиш мумкин?

10

Таққосланг.

$$300 \text{ м}^2 + 2 \text{ га} * 600 \text{ а} : 2$$

$$2 \text{ см}^3 - 100 \text{ мм}^3 * 1 \text{ дм}^3 = 200 \text{ см}^3$$

$$1\ 000 \text{ см}^3 - 1 \text{ дм}^3 * 800 \text{ м}^2 : 4 \text{ м}^2$$

$$2\ 000 \text{ дм}^3 + 200 \text{ м}^3 * 200 \text{ см}^3 + 2\ 000 \text{ см}^3$$



Айтишув

## Вақт бирликлари улуши

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз вақт ўлчов бирликлари улушкини топишни ўрганасиз.



1

Вақт ўлчов жадвалини ёдингизга туширинг.

ЁДИНГИЗГА ТУШИРИНГ!

1 соат = 60 минут

1 минут = 60 секунд

1 аср = 100 йил

1 сутка = 24 соат

1 йил = 12 ой

1 йил = 365 сутка (366 сутка)

Йилнинг, сутканинг, соатнинг, минутнинг ярми, чораги, учдан бирини ёзинг.

ЁДДА САҚЛАНГ!

$$\text{Соатнинг } \frac{1}{60} = 1 \text{ мин}$$

$$\text{Соатнинг } \frac{1}{2} = 30 \text{ мин}$$

$$\text{Йилнинг } \frac{1}{12} = 1 \text{ ой}$$

$$\text{Хафтанинг } \frac{1}{7} = 1 \text{ кун}$$

$$\text{Асрнинг } \frac{1}{100} = 1 \text{ йил}$$

$$\text{Сутканинг } \frac{1}{24} = 1 \text{ соат}$$

2

Бўш катакларни тўлдиринг.

$$\text{Сутканинг } \frac{1}{2} = \boxed{\phantom{0}} \text{ соат} \quad \text{Минутнинг } \frac{1}{4} = \boxed{\phantom{0}} \text{ с} \quad \text{Соатнинг } \frac{1}{3} = \boxed{\phantom{0}} \text{ мин}$$

$$\text{Асрнинг } \frac{1}{5} = \boxed{\phantom{0}} \text{ йил} \quad \text{Йилнинг } \frac{1}{6} = \boxed{\phantom{0}} \text{ ой} \quad \text{Асрнинг } \frac{1}{10} = \boxed{\phantom{0}} \text{ ой}$$

$$3 \text{ сут. } 6 \text{ соат} = \boxed{\phantom{0}} \text{ соат} \quad 12 \text{ мин } 25 \text{ с} = \boxed{\phantom{0}} \text{ с} \quad 6 \text{ соат } 9 \text{ мин} = \boxed{\phantom{0}} \text{ мин}$$

### 3А Ўйлаб кўринг ва жавоб беринг.

Бувам уларнинг овулида айтишувлар кечқурунги б дан тун ярмигача ёки чорак сутка давом этиши мумкинлигини ҳикоя қилиб берди. Айтишувлар неча соат давом этган?

### 3Б Ҳикоядан математик миқдорларни топинг. Масала тузинг ва ечинг.

Аброр: «Биз Наврӯзни қишлоғимизда нишонладик. Кечга яқин, аниқроқ айтсак, кечқурунги чоракам бешда домбра жўрлигida оқинларнинг айтишуви бошланди. Айтишув тонггача давом этди. Тонг эса тўрт яримда ота бошлади. Мехр-оқибатни тараннум этган оқинлар ғолиб бўлишди», – деб ҳикоя қилиб берди.



КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА • ГУРУХДА ИШЛАШ

### 4 Концерт қанча давом этганини ҳисобланг.

Концертда 3 минутдан 9 та куй, 4 минутдан 5 та куй ва яна хор гуруҳи 3 та асарни саҳнада ярим соат ижро этди. Ҳар бир куй ва хор асарлари орасидаги оралиқ 2 минутдан.

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

5

Бўш катакларни тўлдиринг.

$$9 \text{ аср} = \boxed{\phantom{0}} \text{ йил}$$

$$12 \text{ мин } 30 \text{ с} = \boxed{\phantom{0}} \text{ с}$$

$$144 \text{ соат} = \boxed{\phantom{0}} \text{ сут.}$$

$$19 \text{ ҳафта } 5 \text{ сут.} = \boxed{\phantom{0}} \text{ сут.}$$

$$3 \text{ сут. } 14 \text{ соат} = \boxed{\phantom{0}} \text{ соат}$$

$$9 \text{ йил } 10 \text{ ой} = \boxed{\phantom{0}} \text{ ой}$$


$$925 \text{ с} = \boxed{\phantom{0}} \text{ мин } \boxed{\phantom{0}} \text{ с}$$

$$249 \text{ мин} = \boxed{\phantom{0}} \text{ соат } \boxed{\phantom{0}} \text{ мин}$$

ИЖОДИЙ ИШ

6

Ярим, чорак, чоракам сўзларидан фойдаланиб вақтни айтинг.



ГУРУХДА ИШЛАШ

7

Машҳура театрдан келганида соат 15 соат 5 минутни кўрсатиб турган эди. Агар театрдан уйгача 25 минут бўлса, томошанинг тугаган вақтини аниқланг.

a) 14 соат 40 мин

b) 15 соат 40 мин

c) 16 соат 10 мин

8

Амаллар тартибини аниқланг ва ҳисобланг. Калькулятор ёрдамида ўзингизни текширинг.

$$\begin{aligned}50\ 005 - (1\ 534 + 827) - 1\ 005 \\706\ 250 - (50\ 000 - 2\ 341) + 55\ 559 \\105\ 000 + 78\ 000 - (350 + 25\ 600) \\905\ 340 - (45\ 670 - 3\ 007) + 50\ 002\end{aligned}$$

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Ўйланг ва жавоб беринг.

Аброр оқиндан унинг ёши нечада эканлигини сўраганида, у шундай деб жавоб берди: «Ҳозир менинг ёшим нечада бўлса, яна шунча ёш ва яна бир йил яшасам, ёшим 100 да бўлади» – деди. Оқиннинг ёши нечада?

УЙ ВАЗИФАСИ

10

Ифодалар ёзинг ва ҳисобланг.

- 240 сонини учдан бир улушга камайтиринг.
- Ярим асрни йилларда ифодаланг.
- Чорак йилни ойларда ифодаланг.
- 570 сонининг учдан бирини топинг.
- Ярим центнерда қанча килограмм бор?
- Соатнинг  $\frac{1}{5}$  улусида қанча минут бор?



Қозоғистон жаҳон миқёсида

## Евро (€), доллар (\$). Валюталар билан бажариладиган операциялар

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз бошқа давлат валюталари – евро ва доллар билан танишасиз ҳамда валюта алмашинувини ўрганасиз.



ЁДДА САҚЛАНГ!

**Евро** – бу Европа ҳамжамиятининг ягона валютасидир. Купюралар ва чақаларни кўриб чиқинг. 1 евро = 100 евроцент. 1, 2, 5, 10, 20 ва 50 евроцентга тенг бўлган чақалар чиқарилади. Чақанинг орқа томони уни қайси давлат зарб этганига кўра фарқ қиласди.



ГУРУХДА ИШЛАШ

1

Евроцент чақаси ва европи қандай алмаштириш мумкин?



2

Ҳар бир расмда қанча пул борлигини ҳисобланг. Евро белгисидан фойдаланиб ёзинг.



€



· €  = €



· €  = €

3

Үйланг ва жавоб беринг.

Хар йили сайёхлар машхур фонтанларнинг бирига 200 000 еврога тенг чақалар ташлашади. Улар қандай чақалар ва қанча бўлиши мумкин?



ЁДДА САҚЛАНГ!

**Доллар** (ингл. dollar) – бир қанча давлатлар валютасининг номи. Биз бу дарсда АҚШ (Америка Кўшма Штатлари) доллари билан танишамиз. Бир доллар 100 центга тенг.



1 цент



5 цент



1 дайм 10 центга тенг



Долларнинг  $\frac{1}{4}$



Долларнинг  $\frac{1}{2}$



1 доллар

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

4

Мана бу валютанинг қандай купюралари ва майдачақалари борлигини кўриб чиқинг. Доллар билан берилган қийматларни майдаланг ва ҳисобланг: 524\$; 834\$

ИЖОДИЙ ИШ

5

Күрсатылған қиymаттарни қандай купюра ва майда-чақалар билан ёзиш мүмкін.

35€

125\$

1204€

308€

Купюраларни түғри түртбұрчак билан, майда-чақаларни эса айланы билан ўраб қўйинг.

Масалан:  $35\text{€} = \boxed{10\text{€}} + \boxed{10\text{€}} + \boxed{10\text{€}} + \boxed{1\text{€}} + \boxed{2\text{€}} + \boxed{2\text{€}}$

6

Қозоғистондаги эң үйрек купюралар – булар 20 000 ва 10 000 тенге.

Берилған купюраларни кичикроқ бошқа купюралар билан майдалашнинг иккита нусхасини ёзинг.



7

Топшириқни бажаринг. Күрсатылған ўлчов бирликларида ифодаланг.

килограммларда

секундларда

минутларда

4 т 9 кг

3 мин 10 с

2 соат 40 мин

9 ц 3 кг

20 мин 15 с

3 соат 25 мин

8

Ҳисобланг. Тескари амал бажариш орқали бир-бирингиизни текширинг.

$$583\ 809 + 297\ 008$$

$$9\ 078\ 237 + 364\ 559$$

$$96\ 265\ 706 + (5\ 004\ 039 + 4\ 001\ 563)$$

$$400\ 000\ 099 - (36\ 000\ 205 - 39\ 486)$$

## КУНДАЛИК ХАЁТДА МАТЕМАТИКА

9

Онам сотиб олган нарсалари учун қийматлари турлича бўлган бир қанча купюралар берди ва қайтимиға майдада-чақалар олди. Қайтимнинг мумкин бўлган нусхалини майдада-чақалар билан ифодалаб ёзинг.



## СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

10

Тўғри жавобни топинг.

Иккита боланинг 8 та майдада-чақаси бор эди. Бир бола 1 та чақани, иккинчиси 3 та чақани сарфлашгач, уларнинг чақалари тенг бўлди. Болаларнинг ҳар бирида қанча чақаси бўлган?

4 ва 4

5 ва 3

7 ва 1

6 ва 2

## УЙ ВАЗИФАСИ

11

Совғанинг ҳақини чет эл ва-лютаси билан тўланг. Купюраларни тўғри тўртбурчак билан, майдада-чақаларни эса айланна билан ўраб чизинг.

- a) доллар билан;  
b) евро билан.




**Рубль (₽). Валюталар билан  
бажариладиган операциялар**

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

**РУБЛЬ  
КОПЕЙКА**

Сиз бошқа давлат валютаси бўлган – рубль билан танишасиз ва уларни майдалашни ўрганасиз.



ЁДДА САҚЛАНГ!

**Рубль – Россия валютасининг номи – Россия рубли ₽.**



1

Россияга келган Қозоғистонлик сайёҳлар сувенирлар сотиб олишмоқчи бўлишди. Сувенирлар баҳосини рублдаги купюралар ва чақалар ёрдамида тўлашга ёрдам беринг.



4 360 руб.

345 руб.



550 руб.



ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

2

Ҳисобланг, тескари амаллар ёрдамида бир-бирингизни текширинг.

$$3\ 809 + 297\ 008$$

$$59\ 787 + 364\ 559$$

$$198\ 658 + 205\ 989$$

$$80\ 181 - 54\ 999$$

$$50\ 065 - 9\ 848$$

$$580\ 036 - 9\ 488$$

3

Амалларни бажаринг.

$$8 \text{ сут. } 2 \text{ соат} - 7 \text{ сут. } 9 \text{ соат}$$

$$12 \text{ йил } 8 \text{ ой} + 4 \text{ ой}$$

$$9 \text{ соат } 10 \text{ мин} - 3 \text{ соат } 40 \text{ мин}$$

$$7 \text{ сут. } 8 \text{ соат} + 2 \text{ сут. } 20 \text{ соат}$$

$$10 \text{ соат } 45 \text{ мин} + 12 \text{ соат } 38 \text{ мин}$$

$$5 \text{ ҳафта } 2 \text{ кун} - 4 \text{ ҳафта } 6 \text{ кун}$$

КУНДАЛИК ХАЁТДА МАТЕМАТИКА

4А

Рублларда берилган баҳоларни кўриб чиқинг. Буюмлар баҳосини купюралар йиғиндиси кўринишида ёзинг.

Россиядаги оиласадан бирига майший техника буюмларини сотиб олиш учун 50 000 рубль миқдорида маблағ ажратилди. Бу пулга қандай майший техника буюмларини сотиб олиш мумкин? Ҳар хил нусхаларни кўриб чиқинг. Кўрсатилган нархларни купюралар билан ифодалашга ёрдам беринг.



ИЖОДИЙ ИШ

4Б

Расмга қараб масалалар тузинг.

5

Топшириқни бажаринг.

Агар тўғри тўртбурчакнинг периметри 420 мм; 64 см; 460 мм га тенг бўлса, унинг бўйи ва энининг мумкин бўлган барча нусхаларини ёзинг.

ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

6

Масалани ечинг.

Буви 9 ўрам оқ ва қизил рангли жун сотиб олди. У қизил ўрам учун 320 рубль, оқ ўрам учун 400 рубль тўлади. Агар ҳамма ўрамларнинг баҳоси бир хил бўлса, буви нечта ўрам оқ ва нечта ўрам қизил жун сотиб олган?

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

7

Масалани ечинг.

Дўйондан 54 рублдан 4 та пиёла ва 2 та стакан сотиб олишди.  
Агар стакан пиёладан икки марта арzon бўлса, 4 та пиёланинг  
ва 2 та стаканнинг баҳоси қанча бўлади?

ИЖОДИЙ ИШ

8А

Саволга жавоб беринг.

Тадбиркорга 596\$ га ун, 653\$ га шакар, 386\$ га сут сотиб  
олиши учун 2000\$ етадими?

8Б

Жадвал бўйича масала тузинг.

	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
Нон	2\$		?
Пишлок	5\$	Бир хил	?

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Ўйланг ва жавоб беринг.

Азиза 3 та атиргул сотиб оладиган бўлса, унда 140 рубль ортиб  
қолади. Агар 5 та атиргул сотиб олса, 100 рубль пули қолади.  
Битта атиргулнинг баҳоси қанча?

УЙ ВАЗИФАСИ

10

Топшириқни бажаринг.

Ўқувчи бир хил баҳода 8 та ручка ва 6 та қалам сотиб  
олди. Ручка учун у 16 рубль 80 копеек тўлади. Ўқувчи  
қаламлар учун қанча пул тўлаган?






**УМУМЛАШТИРИШ**

Сиз пулларни майдалашни, вақтнинг  
улушини аниқлашни, кўп хонали  
сонларни устун шаклида ёзиб  
ҳисоблашни ўрганасиз.

**1**

Эслатмаларни ўқинг. Шаҳарларни аҳолиси билан ёзинг:



- – аҳоли сони 1 000 000 ва ундан ортик ● – аҳоли сони 900 000 дан 999 999 тагача
- – аҳоли сони 400 000 дан 599 999 тагача ○ – аҳоли сони 300 000 дан 399 999 тагача
- – аҳоли сони 200 000 дан 299 999 тагача ■ – аҳоли сони 100 000 дан 199 999 тагача
- – аҳоли сони 99 999 тагача

**2**

Матнни ўқинг. Сонларни ўсиш тартибида ёзинг.

Нур-Султан шаҳридан Алматигача бўлган темир йўл 1 354 км, автомобиль йўли билан 1 200 километрни ташкил қиласиди. Станбулдан Анкарагача бўлган масофа 450 км, Нью-Йорқдан Вашингтонгача 228 км, Сиднейдан Канберрагача 300 километрни ташкил қиласиди. Пекиндан Шанхайгача бўлган масофа 1 318 км.

3

Амалларни бажаринг.

$$9 \text{ сут. } 2 \text{ соат} - 6 \text{ сут. } 9 \text{ соат}$$

$$13 \text{ йил } 8 \text{ ой} + 5 \text{ ой}$$

$$9 \text{ соат } 20 \text{ мин} - 6 \text{ соат } 40 \text{ мин}$$

$$5 \text{ сут. } 8 \text{ соат} + 9 \text{ сут. } 46 \text{ соат}$$

$$10 \text{ соат } 15 \text{ мин} + 12 \text{ соат } 45 \text{ мин}$$

$$5 \text{ ҳафта } 3 \text{ кун} - 3 \text{ ҳафта } 6 \text{ кун}$$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА • ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

4А

Чет эллик мөхъмонлар қозоқ миллий таомларини ёқтиришида. Таомномани кўриб чиқинг. Учта таомдан тузилган тушликнинг қандай нусхаларини танлаш мумкин ва бу нусхалар нечта? Тенгеда энг арzon ва энг қиммат тушликни аниқланг ва мумкин бўлган нусхалар имконият дараҳтини тузинг.



ИЖОДИЙ ИШ

4Б

Учта тоамдан ҳар бирида иккита таом бўлган таомнома тузинг.

5

Қайтимларни сананг. Сиз қайтимни қандай купюра ва чақалар билан оласиз? Нусхалардан бирини ёзинг.

Сиз қилган харидлар



Сиздаги купюралар



## 6 Масалани ечинг.

Фарҳод Нур-Султан шаҳрида яшайди. У Москва шаҳридаги олийгоҳда ўқийди. Яқинда Москва шаҳрига йўл юрмоқчи. Чипталардан бирини танланг ва қайтимини ҳисобланг. Қайтимни унга қандай купюраларда беришлари мумкин? Нусхалардан бирини ёзинг.



СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

## 7 Жавобларни танланг: 25 ёш, 17 ёш, 29 ёш.

Давлат тоға Севарадан 15 ёш катта, опасидан эса 5 ёш кичик. Агар учовининг ҳам ёшини қўшса, унда 65 ёш ҳосил бўлади. Давлат тоғанинг ёши нечада?

УЙ ВАЗИФАСИ

## 8 Топшириқни бажаринг.

Билмасвой дўстлари ҳақида 5 минут ва 17 секунд шеър тўқиди. Бу машаққатли иш билан у қанча вақт шуғулланган?

- a)** 317 с      **б)** 517 с      **в)** 360 с





1

Мен кўп хонали сонларни қандай ўқиши, ёзишни ва таққослашни биламан.

Сонларни ёзинг.

- a) Минглар синфининг 5 бирлигини;
- б) Миллионлар синфининг 48 бирлигини, минглар синфининг 500 бирлигини;
- в) Миллионлар синфининг 702 бирлигини ва 205 бирликни.

2

Мен миқдорларнинг ўлчов бирлеклари ҳақидаги билимларимни қўллайман ва улар билан амаллар бажараман.

Таққосланг.

$$\text{Соатнинг } \frac{1}{2} * 4 \text{ мин} + 20 \text{ мин}$$

$$20 \text{ мин} \cdot 3 * \text{сутканинг } \frac{1}{2}$$

$$1\ 000 \text{ дм}^3 \cdot 20 * 4 \cdot 5 \text{ м}^3$$

$$5 \text{ га} : 10 * 5 \text{ а} \cdot 2$$

3

Мен кўп хонали сонларнинг хона таркибини ва сонлар қонуниятини таҳлил қила оламан.

Сонларни ўқинг. Ҳосил бўлган сонларни ўсиш тартибида ёзинг.

538 667

587 483

974 239

412 000

800 701



Бирлик  
мингларни  
2 марта ка-  
майтиринг



Ўнлик  
мингларни  
1 та ортти-  
ринг



Ўнликлар-  
ни 4 та  
орттиринг



Юзлик  
мингларни  
3 та ка-  
майтиринг



Бирлик  
мингларни  
5 та ортти-  
ринг

4

Мен чет эл валютасида берилган қийматни алмаштираман ва ҳисоблай оламан.

Болалардан қайси бирининг ҳамёнидаги пул кўпроқ, таққосланг. Ҳар бир бола пулни қандай санаганини ёзинг.



5

Мен ҳисоблашлар тўғри бажарилганини текшира оламан.

Текширинг, ҳисоблашлар тўғри бажарилганми? Ҳатоларни тузатинг.

$$\begin{array}{r}
 & 1 & 3 & 4 & 5 & 1 & 1 \\
 + & 3 & 5 & 6 & & & \\
 \hline
 1 & 3 & 4 & 9 & 0 & 0
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 \\
 + & 1 & 9 & 5 & 8 & 3 & 7 \\
 \hline
 2 & 0 & 2 & 1 & 1 & 0
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 & 7 & 0 & 1 & 0 & 0 & 4 \\
 - & 9 & 6 & 5 & 4 & 7 \\
 \hline
 6 & 0 & 4 & 5 & 5 & 7
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 & 4 & 8 & 0 & 0 & 0 & 0 \\
 - & 7 & 9 & 9 & 9 & 6 \\
 \hline
 4 & 0 & 0 & 0 & 1 & 4
 \end{array}$$




## **1В БҮЛИМ.**

### **БИР ХОНАЛИ СОНГА КҮПАЙТИРИШ ВА БҮЛИШ «МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚАЗОҒИСТОН!» умумий мавзу доирасида**

Мен кўп хонали сонларни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлишни ўрганаман.

Мен 2 га, 5 га ва 10 га бўлиш аломатларини билиб оламан.

Мен тўпламларнинг ўзаро муносабатлари: тенг, кесишувчи ва кесишмайдиган тўпламларни, қисм тўпламларни аниқлашни ўрганаман.



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз 1 000 000 ичидагы сонларни  
оғзаки күпайтириш ва бўлишни  
ўрганасиз.



1

Йиғиндини сонга қандай күпайтиришни ёдингизга туширинг. Йиғиндини сонга қандай бўлиш мумкин?

- a) Ҳисоблашлар қандай бажарилганлигини тушунтиринг.  
 $(1\ 000 + 200 + 30 + 4) \cdot 2 = 1\ 000 \cdot 2 + 200 \cdot 2 + 30 \cdot 2 + 4 \cdot 2 =$   
 Бу билимларингиздан фойдаланиб қуидаги ифодаларнинг  
қийматини топинг.

$$1\ 234 \cdot 2 =$$

$$31\ 211 \cdot 3 =$$

- 6) Ҳисоблашлар қандай бажарилганлигини тушунтиринг.  
 $(2\ 000 + 400 + 60 + 8) : 2 = 2\ 000 : 2 + 400 : 2 + 60 : 2 + 8 : 2 =$   
 Бу билимларингиздан фойдаланиб қуидаги ифодаларнинг  
қийматини топинг.

$$2\ 468 : 2 =$$

$$93\ 699 : 3 =$$

ЁДДА САҚЛАНГ!

$$(a + b) \cdot c = a \cdot c + b \cdot c$$

$$c \cdot (a + b) = c \cdot a + c \cdot b$$

$$(a + b) : c = a : c + b : c$$

Бу хоссалар оғзаки ҳисоблашларда ёрдам беради. Күп хонали сонни бир хонали сонга күпайтириш (бўлиш) учун бу сонни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида ёзиб олиб, сўнг хоналар бўйича күпайтириш (бўлиш) ни амалга ошириш керак.

2

Ҳисобланг. Ҳисоблашларни текширинг.

$$22\ 341 \cdot 2$$

$$123\ 212 \cdot 3$$

$$111\ 202 \cdot 4$$

$$444\ 804 : 4$$

3

Кўлай усул билан ҳисобланг.

a)  $(300\ 000 + 60\ 000 + 6) : 6$

$$(8\ 000 + 400 + 20) : 2$$

$$(40\ 000 + 20\ 000 + 6\ 000) : 6$$

$$(36\ 000 + 18\ 000 + 9\ 000) : 9$$

$$(490 + 14\ 000 + 7\ 000) : 7$$

$$(21\ 000 + 210 + 35) : 7$$

б)  $(1\ 000 + 200 + 50) : 5$

$$(8\ 000 + 1\ 200 + 1\ 800) : 5$$

$$(10\ 000 + 300 + 300) : 2$$

$$(10\ 400 + 12\ 600 + 1\ 000) : 4$$

$$(5\ 600 + 1\ 300 + 30\ 000) : 6$$

$$(20\ 000 + 5\ 000 + 500 + 10) : 5$$

жуфтлиқда ишлаш

4

Топширикни бажаринг.

Тимур дўстлари орасида уларга қандай инсоний қадриятлар маълум эканлигини аниқлаш учун саволнома ўтказди. Ифодалар ечимини амаллар бўйича бажарсангиз, ҳар бир боланинг нима айтганини билиб оласиз.

Мехр-оқибат

$$100\ 000 - 42\ 000 : 2$$

Ҳаёт

$$90\ 800 - 40\ 844 : 4$$

Билим

$$4 \cdot (14\ 500 - 13\ 400)$$

Дўстлик

$$124\ 113 \cdot 2 + 369\ 600 : 3$$

Ҳақиқат

$$29\ 500 : 5 + 40\ 093$$

Оила

$$55\ 128 - 44\ 682 : 2$$

Меҳнат

$$700\ 809 - 22\ 000 \cdot 4$$

4 400  
Севара

371 426  
Аброр

80 589  
Вова

79 000  
Эркин

32 787  
Азиза

612 809  
Сардор

45 993  
Зийнат

## ИЖОДИЙ ИШ

5

Чизмалардан фойдаланиб №3-топшириқдагига ўхшаш ифодалар тузинг:

$$(\boxed{\phantom{0}} + \boxed{\phantom{0}} + \boxed{\phantom{0}}) : 3$$

$$(\boxed{\phantom{0}} + \boxed{\phantom{0}} + \boxed{\phantom{0}}) : 5$$

## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

6

Матнни ўқинг. Масала бўлиши учун матнга савол қўйинг.

- a) Хайрия марафонида 21 234 та уста санъаткорлар, улардан 2 марта кам ҳаваскор артистлар иштирок этишди.
- б) Хайрия марафонини ўтказиш вақтида 966 399 тенге маблағ йифилди. Маблағнинг учдан бир қисми болалар шифохоналарига, қолгани болалар уйларига берилди.

7

Тенгламаларни ечинг.

$$x - 465 = 1\,231 \cdot 3$$

$$401\,000 - y = 24\,121 \cdot 2$$

8

Ифодаларнинг қийматини топинг. Бўлинувчи ўзгариши билан бўлинманинг қиймати қандай ўзгаряпти? Хулоса чиқаринг.

a)  $96 : 4$

$$96 : (4 \cdot 2)$$

$$96 : (4 : 2)$$

б)  $999 : 3$

$$999 : (3 \cdot 3)$$

$$9\,999 : (3 : 3)$$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

9

Эълонни кўриб чиқинг. Байрам куни чиптанинг баҳоси қанча бўлади? Акция бўйича 4 кишининг дам олиши учун қанча пул сарф қилиш зарур? Оддий кунлардагига қараганда қанча пул иқтисод қилиш мумкинлигини ҳисобланг?

Лимитсиз билетнинг баҳоси – 4 242 тенге.

Акция бўйича  ?

1 соати – 1 246 тенге.

Акция бўйича баҳоси  ?



СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

10

Масалани ечинг.

Уч донишманд улардан ким донишмандроқ эканлиги ҳақида баҳслашиб қолишибди. Баҳсни шу ердан ўтиб кетаётган киши ечишга ёрдам берибди: «Сиз менинг бешта қалпоғим борлигини кўриб турибсиз: учта қизил ва иккита оқ. Энди кўзларингизни ёпинг», – дебди. Шундан сўнг уларнинг ҳар бирининг бошига биттадан қизил қалпоқ кийдирибди, оқ қалпоқларни эса яшириб қўйибди. «Энди кўзларингизни очишингиз мумкин, – дебди ўткинчи. – Ким бошидаги қалпоқ қандай рангда эканини топа олса, шу одам ўзини энг донишманд деб билиши мумкин». Донишмандлар бир-бирларига қараб узоқ вақт ўтиришибди. Нихоят улардан бири: «мен топдим, менинг бошимда қизил қалпоқ» – дебди. У қандай билди?

УЙ ВАЗИФАСИ

11

Текшириш билан ҳисобланг.

$$844\ 268 : 2$$

$$639\ 996 : 3$$

$$12\ 234 \cdot 2$$

$$31\ 332 \cdot 3$$

НИМА УЧУН  
АЙТИНГ  
ТУШУНТИРИНГ




ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз кўп хонали сонларни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиши  
 ўрганасиз.



1

Шарларда ёзилган сонлар ичидан карточкаларда ёзилган сонларнинг ҳаммасини бўлиш мумкин бўлган сонни топинг. Мос тенгликларни ёзинг.



ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

2А

Сиз ёзма кўпайтириш ва бўлиш алгоритмини биласиз.  
 Кўп хонали сонни бир хонали сонга кўпайтириш қандай бажарилганлигини кўриб чиқинг. Ҳисоблаш алгоритми-  
 ни тушунтиринг.

x	2	3	1	2	4
					2
	4	6	2	4	8

Ёзман:

Бирликларни кўпайтираман:

Ўнликларни кўпайтираман:

Юзликларни кўпайтираман:

Мингликларни кўпайтираман:

Ўн мингликларни кўпайтираман:

Жавобни ўқийман:

ЁДДА САҚЛАНГ!

Бўлиш катта хонадан бошланади. Аввал тўлиқсиз бўлинувчи ва бўлинманинг қийматидаги рақамлар сони аниқлаб олинади.

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

2б

Кўп хонали сонни бир хонали сонга бўлиш қандай ба-жарилганлигини кўриб чиқинг. Ҳисоблаш алгоритмини тушунтиринг.

A handwritten long division problem on grid paper. The dividend is 46248 and the divisor is 2. The quotient is written as 23124 above the grid. The steps shown are: 4 divided by 2 is 2, 6 divided by 2 is 3, 2 divided by 2 is 1, 4 divided by 2 is 2, and 8 divided by 2 is 4. There is a small 'A' written above the first division step.

Ёзаман:

Биринчи тўлиқсиз бўли-  
нувчи – 4 ўнлик минг.  
Бўлинманинг қийматида  
5 та рақам.

Минглик ўнни бўламан:  
Минглик бирни бўламан:  
Юзликларни бўламан:  
Ўнликларни бўламан:  
Бирликларни бўламан:  
Жавобни ўқийман:

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

3

Ҳисоблашларни тушунтириш билан ёзма бажаринг. Ҳи-  
соблашларни текширинг.

$112\ 342 \cdot 2$

$84\ 264 : 2$

$233\ 231 \cdot 3$

$69\ 369 : 3$

$444\ 103 \cdot 2$

$846\ 822 : 2$

$313\ 021 \cdot 3$

$848\ 444 : 4$

4

Қолдиқли бўлиш қандай бажарилишини ёдингизга туширинг. Алгоритмни тушунтиринг.

$$\begin{array}{r} \overset{1}{5} \ 9\ 0\ 8\ 5 \\ \underline{-}\ 5 \qquad \qquad \qquad | \ 1\ 1\ 8\ 1 \\ \qquad 9 \\ \qquad \underline{-}\ 5 \\ \qquad \qquad 4\ 0 \\ \qquad \qquad \underline{-}\ 4\ 0 \\ \qquad \qquad \qquad 8 \\ \qquad \qquad \qquad \underline{-}\ 5 \\ \qquad \qquad \qquad \qquad 3 \text{ (ост.)} \end{array}$$

Ёзаман:

Биринчи тўлиқсиз бўлинувчи – 5 минг.

Бўлинманинг қийматида 4 та рақам.

Минглик бирни бўламан:

Юзликларни бўламан:

Ўнликларни бўламан:

Бирликларни бўламан:

Қолдиқни ёзаман.

Қолдиқни бўлувчи билан таққослайман.

Жавобни ўқийман:

ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

5

Қолдиқли бўлишни бажаринг.

$129\ 336 : 5$

$97\ 833 : 2$

$252\ 665 : 2$

$998\ 734 : 5$

$428\ 644 : 5$

$444\ 848 : 5$

ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

6

Масалага чизма чизинг ва ечинг.

N ва M шаҳарлари орасидаги масофа 309 км. Бу шаҳарлардан бир-бирига қараб 2 автомобиль йўлга чиқди. Улардан биринчиси 108 км, иккинчиси 47 км масофани босиб ўтди. Автомобиллар орасидаги масофа қанча бўлди?

7

Тенгламаларни ечинг.

$$601\ 000 - y = 24\ 121 \cdot 3$$

$$231 + x = 90\ 909 : 3$$

$$20 \cdot a = 568 + 432$$

$$963 - x = 900 - 579$$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

8

Ҳисобланг. Ўзингиз шундай мисоллар тузинг.

a) Сутканинг бошланишидан қанча вақт ўтган бўлади:

- соат тунги 11 дан 15 минут ўтганида?
- кечки 6 дан 45 минут ўтганида?

б) Агар йил бошидан бери 4 ой ўтган бўлса, ҳозир қайси ой ва қайси сана бўлади; 6 ой 10 кун ўтган бўлсачи?

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Топшириқни бажаринг.

Томонлари 3 см ва 6 см бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Тўғри тўртбурчак устидан иккита учбурчак ва иккита тўртбурчак ҳосил бўладиган қилиб иккита тўғри чизиқ ўтказинг. Кесишувчи нуқталарни ҳарфлар билан белгиланг ва ҳосил бўлган фигураларни ёзинг.

УЙ ВАЗИФАСИ

10

Топшириқларни бажаринг.

a) Ҳисобланг.

$$13\ 242 \cdot 2 + 63\ 297$$

$$31\ 202 \cdot 3 - 80\ 090$$

$$73\ 865 + 84\ 844 : 2$$

б) Қолдиқли бўлишни бажаринг.

$$84\ 845 : 2$$

$$45\ 869 : 4$$

$$93\ 368 : 3$$



Билим – бу ҳаётий қадрият  
Кўп хонали сонларни бир хонали сонга  
кўпайтириш ва бўлиш

ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз кўп хонали сонларни бир хонали сонларга кўпайтириш ва бўлишни ўрганасиз.



1

Ҳисоблашларни ёзма бажарсангиз, қуидаги фикрларни ким айтганини билиб оласиз?

239 125 · 3

**Билим унинг қанча кўп эканлигида эмас, балки унинг сифатидадир. Жуда ҳам кўп нарсани билган ҳолда энг зарур нарсани билмаслик ҳам мумкин.**


218 645 · 3

**Агар ишим ўнгидан келсин десанг, унга ақл билан ёндош.**



Абай  
655 935

Л.Толстой  
717 375



2А

Ҳисоблашларнинг ўзингизга маълум усулини кўриб чиқинг.  
Кўп хонали сонлар билан ҳисоблашлар қандай бажарилганлигини тушунтиринг.

$\begin{array}{r} \times 203 \\ 6 \\ \hline 1218 \end{array}$	$\begin{array}{r} \times 2003 \\ 6 \\ \hline 12018 \end{array}$	$\begin{array}{r} \times 20003 \\ 6 \\ \hline 120018 \end{array}$
---	---	---

жуфтлиқда ишлаш

2Б

Тушунтириш билан ёзма бажаринг.

$$2\ 008 \cdot 6$$

$$22\ 005 \cdot 3$$

$$10\ 507 \cdot 5$$

$$7\ 006 \cdot 6$$

3А

Ўзингизга маълум бўлган ҳисоблаш усулини кўриб чиқинг. Ҳисоблашлар кўп хонали сонлар билан қандай бажарилганини тушунтиринг. Нима учун ёзув қисقا бўлди?

$$\begin{array}{r} & 1 & 8 & 6 \\ - & 1 & 2 & \\ \hline & 2 & 0 & 3 \\ - & 1 & 8 & \\ \hline & 1 & 8 & \\ - & 1 & 8 & \\ \hline & 0 & & \end{array}$$

$$\begin{array}{r} & 1 & 2 & 0 & 1 & 8 & 6 \\ - & 1 & 2 & & & & \\ \hline & 2 & 0 & 0 & 3 & & \\ - & 0 & & & & & \\ \hline & 0 & & & & & \\ - & 1 & 8 & & & & \\ \hline & 1 & 8 & & & & \\ - & 1 & 8 & & & & \\ \hline & 0 & & & & & \end{array}$$

$$\begin{array}{r} & 1 & 2 & 0 & 0 & 1 & 8 & 6 \\ - & 1 & 2 & & & & & \\ \hline & 2 & 0 & 0 & 0 & 3 & & \\ - & 1 & 8 & & & & & \\ \hline & 1 & 8 & & & & & \\ - & 1 & 8 & & & & & \\ \hline & 0 & & & & & & \end{array}$$

3Б

Тушунтириш билан ёзма бажаринг. Ҳисоблашларни текширинг.

$$2\ 010 : 2$$

$$15\ 012 : 2$$

$$60\ 018 : 3$$

$$12\ 006 : 3$$

$$105\ 432 : 4$$

$$615\ 615 : 3$$

$$841\ 240 : 4$$

$$661\ 083 : 3$$

## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

4

Хисобланг. Ўзаро боғлиқ ифодаларни топинг.

$184\ 308 \cdot 3$

$80\ 599 \cdot 2$

$552\ 924 : 3$

$42\ 772 : 4$

$10\ 693 \cdot 4$

$161\ 198 : 2$

5

Масалани ечинг.

Мактаб кутубхонасидаги китоб фондини тўлдириш учун 932 тенгедан 8 та лугат, 1 758 тенгедан 5 та энциклопедия ва 784 тенгедан 7 та эртаклар тўплами сотиб олинди. Китобларни сотиб олиш учун қанча пул сарфланди?



## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

6

Амаллар тартибини аниқланг ва ҳисобланг.

$98 : 49 \cdot 50 - 78 + 54 : 18 \cdot 26 - 77$

$13 \cdot 7 - 69 + 46 + 81 : 27 \cdot 18 + 17$

$29 \cdot 3 - 49 + 27 + 19 \cdot 4 - 59$

$72 : 18 \cdot 23 - 43 + 56 : 14 + 96$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

7

Масалани ечинг.

660 тенгега альбом, бўёқ ва қаламлар сотиб олинди. Альбом ва бўёқлар 585 тенге, бўёқлар билан қаламлар эса 300 тенге туради. Альбом, бўёқ ва қаламларнинг ҳар бири қанча тенге туради?

ИЖОДИЙ ИШ

8

Топшириқни бажаринг.

Периметрлари 8 см бўлган иккита ҳар хил тўғри тўртбурчак чизинг. Тўғри тўртбурчакларнинг юзини топинг ва уларни таққосланг.

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Топшириқни бажаринг.

Биринчи жавонда 5 та, иккинчисида 10 та китоб бор. Бир қисмига буюртма беришди. Агар жавонда 9 та китоб қолган бўлса, унда нечта китобга буюртма берилган? Биринчи жавондаги ҳамма китоблар жойида қолиши мумкинми? Иккинчи жавондаги ҳамма китоблар жойида қолиши мумкинми? Биринчи жавондаги китобларга нечта буюртма бериш мумкин? Иккинчи жавондаги китобларга нечта буюртма бериш мумкин?

УЙ ВАЗИФАСИ

10

Хисобланг.

$1\ 508 \cdot 8$

$1\ 204 \cdot 7$

$3\ 007 \cdot 8$

$2\ 703 \cdot 9$

$81\ 903 \cdot 8$

$6\ 550 \cdot 4$

$6\ 940 \cdot 6$

$606 \cdot 5$

$1\ 907 \cdot 8$

$8\ 005 \cdot 8$

$904 \cdot 7$

$34\ 605 \cdot 8$



ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз 2 га, 5 га, 10 га бўлиш аломатларига  
асосланиб сонларни таснифлашни  
ўрганасиз.



1

Қуидаги сонларнинг қайси бири 10 га бўлинади?

34 560

53 064

30 346

42 650

65 540

65 403

Сиз бўлишни бажармаган ҳолда  
берилган ифодаларга таяниб  
буни асослай оласизми?

$$34\ 560 = 3\ 456 \cdot 10$$

$$42\ 650 = 4\ 265 \cdot 10$$

$$65\ 540 = 6\ 554 \cdot 10$$

10 га бўлиш аломатини айтиб беринг.

ЁДДА САҚЛАНГ!

0 билан тугаган сонлар 10 га бўлинади. 0 ва 5 билан тугаган  
сонлар 5 га бўлинади. 0, 2, 4, 6, 8 билан тугаган сонлар 2 га  
бўлинади.

2А

Қандай сонлар 5 га бўлинади? Қандай сонлар 2 га бўли-  
нади?

48 732

8 732

54 270

54 270

30 876

30 876

847

885

854

3 671

2Б

Ўз фикрингизни асосланг ва бўлишни бажаринг.

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

3А


Жадвалдан 5 га; 10 га бўлинадиган сонларни топинг.

12	40	64	112	325	1 000	12 128
18	44	81	124	384	1 224	25 000
24	52	92	156	450	1 815	60 000
30	57	96	164	500	3 156	72 324
36	60	99	200	618	5 016	124 750
39	63	100	240	872	1 110	715 032

3Б

Диаграммаларни чизинг ва улар ичига жадвалдан фойдаланиб 4 тадан сон ёзинг.

2 га бўлинади



5 га бўлинади

4А

Масалани ечинг.

Аброр дўстлари билан биргаликда футбол мусобақасини томоша қилиш учун стадионга келди. Стадионнинг тўртта секторида 21 370 та томошабин жойлашган бўлиб, биринчи секторда 9 240 та томошабин, иккинчи секторда биринчига қараганда 890 та киши ортиқ, учинчи ва тўртинчи секторларда эса томошабинлар сони тенг жойлашган. Учинчи секторда қанча томошабинлар жойлашган?



**4Б**

Масалани савол билан тұлдириңг әртүрлі ечинг.

Стадион кассалари бир кунда 5 240 та чипта сотишиди. Биринчи касса 1 240 та чипта сотган бўлиб, бу иккинчи кассадаги сотилган чипталардан 2 марта ортиқ. ... кассада қанча чипта сотилган?

**5**

Масалани ечинг. Матндан математик катталикларни тоғынг. Масала тузинг.

Дўстлар матчга билет олиш учун кассага 10000 тенге беришиди. Улар 1225 тенгедан 3 та билет ва 1485 тенгедан 4 та билет сотиб олишиди. Улар қанча қайтим олишиди? Қайтимни қандай купюра ва чақалар билан ҳисоблашиш мумкин?



КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

**6**

Үйланг ва жавоб беринг.

Сизнинг таваллуд топган кунингизга дўстларингиз келишади. Сиз улар билан үзингиз үйлаб топган стол усти үйини үйнашни режалаштирумадасиз. Үйин учун карточкалар керак бўлиб, бу карточкалар үйин иштирокчиларининг ҳаммасига тенг бўлиб берилади. Үйинда 5 та бола иштирок этиши учун нечта карточка тайёрлаш керак бўлади.

ИЖОДИЙ ИШ

7

5 га бўлиниши учун навбатдаги ҳар бир сонга қандай энг кичик сонни қўшиш мумкин?

1 289

470 123

200 531

Шунга ўхшаш топшириклар тузинг.

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8

Ўйланг ва жавоб беринг.

9 қаватли бинода лифт бор. Биринчи қаватда 4 киши, учинчидаги 8 киши, тўртинчи қаватда 16, бешинчи қаватда 32 киши яшайди. Бу бинонинг лифтидаги қайси кнопка бошқаларига қараганда кўпроқ босилади?

УЙ ВАЗИФАСИ

9

Сонлар тузинг.

- a)** 0 дан 9 гача бўлган рақамлардан 2 га бўлинадиган учта тўртхонали сон тузинг.
- b)** Бу сонлардан 5 га бўлинадиган беш хонали сонлар ҳосил қилинг.
- c)** 1, 2, 3, 4, 5, 0 рақамларидан 10 га бўлинадиган олти хонали сонлар тузинг.



МУСТАҲКАМЛАШ

Сиз 2 га, 5 га, 10 га бўлиш аломатларига асосланиб натурал сонларни таснифлайсиз.



### 1 Масалани ечинг.

Оилавий альбомларнинг ҳар бир варағига 2 тадан, 5 тадан ва 10 тадан сурат жойлаштириш мумкин. Суратларнинг ҳаммаси альбомдан жой олиши ва альбомнинг бўш варағи қолмаслиги учун оиласидаги ҳар бир бола қайси альбомни танлаши мақсадга мувофиқ бўлади? Турли нусхаларни кўриб чиқинг.

- Аброр 320 та сурат
- Севара 162 та сурат
- Никита 400 та сурат
- Азиза 125 та сурат

МУСТАҚИЛ ИШ

### 2 Эйлер доирасини тўлдиринг. Доираларни қандай сонлар билан тўлдириш мумкин? Яна биттадан сон ёзинг.

2	15	60 210	75
154	205	400	75
2	15	60 210	2 120
1 000	400	120	154

**2 га бўлинади****5 га бўлинади**

### 3 Ҳисобланг.

$321\ 165 \cdot 3$

$124\ 231 \cdot 2$

$842\ 204 : 2$

$121\ 226 \cdot 4$

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

**4** Топшириқларни бажаринг.

- a)** 2 га қолдиқсиз бўлинадиган иккита тўрт хонали сонлар ёзинг.
- б)** 5 га қолдиқсиз бўлинадиган иккита олти хонали сонлар ёзинг.
- в)** Сайёхлик агентида 10 та ўринга мўлжалланган мини-автобус ва 5 кишилик минивэнлар бор ва уларнинг ҳар бирида гидлар учун 2 та ўрин ажратилган. Агар ҳар бирида 15 та, 17 та, 20 та бўлган сайёхлар гуруҳи келган бўлса, уларни жойни йўқотмаган ҳолда қайси автомобилларга жойлаштириш қулай бўлади?

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ


**5** Ҳар бир предметнинг баландлигини топинг.

$$23\ 142 \cdot 6 + 3\ 123 \cdot 5$$

$$980\ 472 - 72\ 951 \cdot 2 - 21\ 139 \cdot 4$$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

- 6** Деталларни қутиларга 10 тадан қолдиқсиз бўлиб солиш учун ҳар бир қутига қайси энг кичик детални қўшиш керак? 5 284, 4 701, 20 518



## МУСТАҚИЛ ИШ

## 7А Масалани ечинг.

Оилавий фермер хўжалигига нок, олхўри ва ўрик каби 98 та мевали дарахт кўчатларини ўтқазишиди. Агар нок кўчати 63 та, нок ва олхўри кўчатлари биргалиқда 70 та бўлса, унда ўрик ва олхўрининг ҳар биридан нечта кўчат ўтқазилган?

$$\begin{array}{l} \text{Нок к.} - 36 \text{ та} \\ \text{Олхўри к.} - ? \\ \text{Ўрик к.} - ? \end{array} \left. \begin{array}{c} 70 \text{ к.} \\ \text{ } \\ \text{ } \end{array} \right\} 98 \text{ к.}$$



## ИЖОДИЙ ИШ

## 7Б Масала тузинг ва ечинг.

Қорағат –

Хожағат – ?

Маймунжон – ?

$$\left. \begin{array}{c} \text{ } \\ \text{ } \\ \text{ } \end{array} \right\} \text{бир хил } \boxed{\phantom{0}}$$



## 8 Масалани ечинг.

Неварадарига мевали десерт тайёрлаш учун бувига қорағатнинг 4 дан бир қисми, хожағатнинг 2 дан бир қисми, шакарнинг 3 дан бир қисми керак бўлади. Агар хожағат 8 кг бўлса, бувига шакар ва хожағатнинг ҳар биридан қанча олиш керак бўлади? Аралашманинг умумий массаси қанча бўлади?

$$\begin{array}{ccccccc} \hline & | & | & | & | & 8 \text{ кг} & \\ \hline & | & | & | & | & ? \text{ кг} & \\ \hline & | & | & | & | & ? \text{ кг} & \end{array} \left. \begin{array}{c} \text{ } \\ \text{ } \\ \text{ } \end{array} \right\} ?$$



СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

9

Ўйланг ва жавоб беринг.

Оилавий альбомларнинг биринчисида 26 та, иккинчисида 32 та сурат бор. Сарвиноз бир неча суратни биринчи альбомдан олиб иккинчисига солгандан сўнг альбомдаги суратлар сони тенг бўлди. Сарвиноз иккинчи альбомга нечта сурат солган?



УЙ ВАЗИФАСИ

10

Топшириқларни бажаринг.

Берилган сонларга қолдиқсиз бўлиниши учун бўш ўринларга зарур рақамлар ёзинг. Ёзилган сонлар орасида 10 га бўлинадиган сонлар борми?

2 га бўлинади

7 8\*\*

65 99\*

84 5\*\*

101 \*\*\*

5 га бўлинади

52 \*\*\*

2 7\*\*


412 69\*

258 52\*



## ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз 10 га, 100 га, 1 000 га оғзаки  
ва ёзма кўпайтириш ва бўлишни  
ўрганасиз.



1

Хисоблашларни кўриб чиқинг.

1 000 га, 10 000 га кўпайтирганда сонлар қандай ўзгаради?  
1 000 га, 10 000 га бўлганда сонлар қандай ўзгаради?

$$\begin{aligned}3 \cdot 1 000 &= (3 \cdot 1) \cdot 1 000 = 3 000 \\3 000 : 1 000 &= 3 \\3 000 : 3 &= 1 000\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}5 \cdot 10 000 &= (5 \cdot 1) \cdot 10 000 \\50 000 : 10 000 &= 5 \\50 000 : 5 &= 10 000\end{aligned}$$

## ЁДДА САҚЛАНГ!

Сонларни 10 (100, 1 000, 10 000, 1 000 000) га кўпайтиришда  
кўпайтираётган сонда нечта ноль бўлса, бу соннинг охирига  
шунча ноль қўшиб ёзилади. Сонларни 10 (100, 1 000, 10 000,  
1 000 000) га бўлишда бўлувчининг охирида нечта ноль бўлса,  
бу соннинг ўнг томонидан шунча ноль ўчирилади.

## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

2А

10 000 000 ва 100 000 000 га кўпайтириш ва бўлиш қоидасини тузинг.

2Б

Хисобланг ва текширинг.

$18 \cdot 1 000$

$48 000 : 1 000$

$700 000 : 10 000$

$41 \cdot 100 000$

$8 000 000 : 10 000$

$3 000 000 : 1 000 000$

3

Ҳисоблашлар қандай бажарилишини тушунтиринг. Ҳисобланг.

$$9 \cdot 8\,000$$

$$45\,000 : 50$$

$$32\,000 : 400$$

$$7 \cdot 90\,000$$

$$45\,000 : 500$$

$$32\,000 : 4\,000$$

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

4

Топшириқни бажаринг.

Аброр ва Сардор катталарга қутиларни ташишда ёрдам беришмоқда. Сардор кичкина қутини ташиши учун 1 минут, Аброр эса 3 минут вақт сарфлайди. Катта қутиларни ташишда, аксинча, Аброр 5 минут, Сардор эса 6 минут сарфлади. Болалар биргаликда 10 та катта ва 10 та кичик қутиларни ташиди. Улар қандай қисқа вақт ичидаги буни амалга оширишлари мумкин?

5

Бўлинувчи – 240 000, бўлувчи 4 га teng. Бўлинманинг қийматини топинг.

- a) Агар бўлувчи 100 марта орттирилса, бўлинманинг қиймати қандай ўзгаради? 1 000 марта орттирилса-чи?
- b) Бўлинувчининг камайишидан бўлинманинг қиймати қандай ўзгаради.
- b) Партадош дўстингиз учун шунга ўхшаган топшириқ тайёрланг.

6

Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$120\text{ т} = \square \text{ кг}$$

$$10\text{ см} = \square \text{ мм}$$

$$32\text{ кг } 50\text{ г} = \square \text{ г}$$

$$610\text{ кг} = \square \text{ г}$$

## КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

7

## Масалани ечинг.

Оилавий хўжалиқда биринчи куни 158 кг картошка, иккинчи куни 148 кг, учинчи куни 163 кг картошка йиғиб олишди. Агар учинчи ва тўртинчи кунлари қанча картошка йиғилган бўлса, биринчи ва иккинчи кунлари йиғилган картошка ҳам шунча бўлса, унда тўртинчи куни неча килограмм картошка йиғилган?



## ИЖОДИЙ ИШ

8

Тушириб қолдирилган рақамларни ёзинг. Синфдошингиз учун шунга ўхшаш топшириқлар тузинг.

$$\begin{array}{r} + 3 * 28 \\ \hline 58 * 9 \\ \hline * 40 * \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 5687 \\ \hline \text{****} \\ \hline 7909 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 47 *** \\ \hline \text{**} 379 \\ \hline * 06210 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 4 * 9 * 5 \\ \hline \text{**} 379 \\ \hline * 728 * \end{array}$$

## УЙ ВАЗИФАСИ

9

Текшириш билан ҳисобланг.

$$324\ 200 : 100$$

$$3\ 320\ 000 : 1\ 000$$

$$2\ 321 \cdot 3$$

$$24 \cdot 10\ 000$$

$$123\ 300 \cdot 100$$

$$3\ 212 \cdot 3$$





ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

10, 100,  
1000

Сиз кўп хонали сонларни 10 га, 100 га, 1 000 га қолдиқли бўлишни ўрганасиз.

1

10 га, 100 ва 1 000 га қандай бўлишни ёдингизга туширинг.  
Ифодаларни қандай икки гурухга ажратиш мумкин?

$1\ 446 : 10$

$4\ 658 : 1\ 000$

$60\ 412 : 1\ 000$

$21\ 520 : 10$

$12\ 727 : 100$

$8\ 000 : 1\ 000$

Сонни 10 (100, 1 000) га қолдиқли бўлиш қандай бажарилишини айтиб беринг. Бу қоидадан фойдаланиб, ифодаларнинг қийматини топинг.

ЁДДА САҚЛАНГ!

Кўп хонали сонларни 10 га, 100 га, 1 000 га қолдиқли бўлиш учун бўлувчида нечта ноль бўлса бўлинувчининг ўнг томонидан шунча рақамни ажратиш керак. Қолган сон бўлинманинг қиймати, ажратилган сон қолдиқ бўлади.

ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ

2

Бўлинманинг қийматида нечта рақам бўлади? Қолдиқни бўлувчи билан таққосланг.

540 123	: 10
72 432	: 100
84 021	: 1 000
63 123	: 10 000

873 124	: 10
405 123	: 100
824 900	: 1 000
217 000	: 10 000

3

## Ҳисобланг.

$$45\ 000 : 100 + 50$$

$$567 - 623 : 7 + 13$$

$$62 \cdot 9 - 928 : 2$$

$$(3\ 599 + 101) : 100$$

$$825 \cdot 1\ 000 : 10$$

$$100\ 000 : 100 : 100$$

4

## Масалаларни ечинг.

- a) Авиарейсга иккита оила рўйхатдан ўтган. Битта оилада 5 киши, иккинчи оилада 4 киши бўлган. Уларнинг ҳар бири юхонага 2 тадан чемодан ўтказган. Агар битта чемоданнинг массаси 12 кг бўлса, топширилган юкларнинг умумий массаси қанча бўлган?



- б) Самолётга болалар учун чипта 198 евро, катталар учун эса ундан 2 марта қиммат. 2 та катта одам ва 3 та болалардан иборат оила чипталар учун қанча ҳақ тўлаши зарур? Чипталар ҳақини евродаги қандай купюралар билан ҳисоблашиш мумкин?

## ГУРУХДА ИШЛАШ

5

## Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$10\ \text{см}^2 = \square\ \text{мм}^2$$

$$1\ \text{м}^2 = \square\ \text{см}^2 = \square\ \text{мм}^2$$

$$1\ 000\ 000\ \text{м}^2 = \square\ \text{км}^2$$

$$5\ \text{дм}^2 = \square\ \text{см}^2 = \square\ \text{мм}^2$$

КУНДАЛИК ҲАЁТДА МАТЕМАТИКА

6 Топшириқни бажаринг.

Сарвиноз квадрокоптер учун пул йиғяпти. Даврон тоға агар ке-рак бўлса етмаётган пулни бериб туришга ваъда қилди. Пуллар қайси моделни олишга етарли? Бошқа моделларни сотиб олиш учун қанча миқдорда пул қўшиш керак?



165€



192€



210€



ИЖОДИЙ ИШ

7 Куйидаги сонлар 5 га бўлинадиган бўлиши учун уларнинг ҳар бирига қандай энг кичик сонни қўшиш керак?

1 123

560 112

300 583

Шунга ўхшаш топшириқ тузинг.

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8 Ўйлаб кўринг ва жавоб беринг.

Учта ака-ука стол устидаги ёнгоқларни қандай қилиб тенг бўлиб олиш тўғрисида бош қотиришди. Аброр: «Агар ҳар биримиз 8 тадан ёнгоқ оладиган бўлсак, унда иккита ёнгоқ ортиб қолади. Агар 9 тадан оладиган бўлсак, унда битта ёнгоқ етмай қолади», – деди. Стол устида нечта ёнгоқ бўлган эди?

УЙ ВАЗИФАСИ

9 Ҳисобланг.

$$45\ 859 : 100$$

$$254\ 201 : 100$$

$$985\ 120 : 1\ 000$$

$$682\ 002 : 1\ 000$$

$$360\ 025 : 10$$

$$703\ 470 : 100$$




ЯНГИ МАВЗУНИ ЎРГАНИШ

Сиз тўпламлар орасидаги  
муносабатларни аниқлашни ўрганасиз.




1


Билимингизни текширинг. Тўплам деб нимага айтилиши-  
ни ёдингизга туширинг. Тўпламлар нималардан ташкил  
топади? Элементлар сони бир хил тўпламларни топинг.  
Қандай тўпламлар тенг тўпламлар дейилади? Жавоб бе-  
ришга ҳаракат қилиб кўринг.



A



B



C



D

ЁДДА САҚЛАНГ!


Элементлар сони ва таркиби мос тўпламлар тенг тўпламлар  
дейилади. Бу шундай ёзилади: масалан,  $A = B$ .

2

a) Қоғоз варағида №1 даги кесишувчи А ва С тўпламларни  
тасвиrlанг.


б) №1 даги қайси тўплам D тўплам билан кесишмайди? Ҳо-  
сил бўлган нусхалардан биттасини чизинг ва тўплам номини  
ҳарфлар билан белгиланг.

a)



C

б)



3А

Тенг түпламларни танланг ва «=» белгисини қўйиб ёзинг.

$$A = \{ K, I, H, O \}$$

$$C = \{ 4, 5, 10 \}$$

$$E = \{ K, O, T \}$$

$$X = \{ 10, 4, 6, 5 \}$$

$$B = \{ 4, 5, 6, 10 \}$$

$$D = \{ K, O, H, I \}$$

$$P = \{ K, T, O \}$$

$$O = \{ O, H, I \}$$

ИЖОДИЙ ИШ

3Б

Қайси түплам  $D$  түпламнинг қисм түплами бўлади?  
« $\subset$ » белги ёрдамида ёзинг.

3В

Шунга ўхшаш топшириқ тузинг.

4

Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$89 \text{ м}^2 = \boxed{\phantom{0}} \text{ см}^2$$

$$98\ 203 \text{ м} = \boxed{\phantom{0}} \text{ км} \ \boxed{\phantom{0}} \text{ м}$$

$$13 \text{ а} = \boxed{\phantom{0}} \text{ м}^2$$

$$98\ 302 \text{ см} = \boxed{\phantom{0}} \text{ дм} \ \boxed{\phantom{0}} \text{ см}$$

$$9 \text{ га } 50 \text{ а} = \boxed{\phantom{0}} \text{ а}$$

$$98\ 302 \text{ мг} = \boxed{\phantom{0}} \text{ г} \ \boxed{\phantom{0}} \text{ мг}$$

$$73 \text{ га } 30 \text{ а} = \boxed{\phantom{0}} \text{ а}$$

$$98\ 302 \text{ г} = \boxed{\phantom{0}} \text{ кг} \ \boxed{\phantom{0}} \text{ г}$$

ГУРУХДА ИШЛАШ

5

Ҳисоблашларни ёзма бажаринг.

$$87\ 612 \cdot 3$$

$$81\ 464 \cdot 4$$

$$10\ 626 : 3$$

$$58\ 248 : 4$$

$$150\ 345 \cdot 3$$

$$325\ 318 \cdot 2$$

$$14\ 628 : 4$$

$$110\ 526 : 3$$

## КУНДАЛИК ХАЁТДА МАТЕМАТИКА

6А

Уч ака-ука саёҳатга отланишди. Улар ўзлари билан зарур буюмлар ва озиқ-овқат олишди. Ҳар бир боланинг буюмлари массаси 3 кг 200 г ни ташкил этди. Ака-укалар озиқ-овқатни бир хил миқдорда олишга келишиб олишди. Жадвалдан ҳар бир рюкзакнинг массаси 6 кг дан ошмайдиган қилиб саёҳатга олиш мумкин бўлган озиқ-овқатни ва унинг миқдорини танланг. Рюкзакнинг ўзи 1 кг 200 г ни ташкил этади.

Агар саёҳат 2 кун давом этса уч ака-ука саёҳатга нималарни олишлари мумкин?



Тушёнка	275 г	Бир халта пиёз	1 кг 115 г	Олмалар	450 г
Кракерлар	100 г	Балиқ консерваси	225 г	Гречиха ёрмаси	520 г
Сабзавот паштети	250 г	Гўштили паштет	275 г	Гуруч ёрмаси	750 г
Шарбат	920 г	Ёнғоқлар	380 г	Шакар	200 г
Бир халта картошка	1 кг 122 г	Печенье	290 г	Туз	50 г

6Б

Жадвал бўйича масалалар тузинг. Саёҳат 2 кун (1 ҳафта) давом этади деб тасаввур қилинг.

7

Доираларни түлдириңг. Муайян шароитларда қандай ҳашаротлар ҳам зарар, ҳам фойда көлтириши мүмкін.

Чумоли, асалари,  
Сариқари, капалак,  
пашша, қурт.

Фойдали  
ҳашаротлар

Зарарлы  
ҳашаротлар

СИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИЗ

8

Үйланг ва жавоб беринг.

Агар асал түлдирилған бочка 34 кг, худди шундай ярмигача қүйилған бочка 18 кг бўлса, бўш бочканинг массаси қанча эканини топинг.

УЙ ВАЗИФАСИ

9А

Тенг түпламларни танланг ва «=» белгиси билан ёзинг.

$$A = \{ A, D, P, E, C \}$$

$$C = \{ C, M, O, L, A \}$$

$$X = \{ 120, 47, 60, 5 \}$$


$$B = \{ 120, 47, 60 \}$$

$$D = \{ M, A, C, L, O \}$$

$$O = \{ C, P, E, D, A \}$$

9Б

Тенг түпламлар (ҳарфий, сонли) тузинг.  
Уларни «=» белгиси билан ёзинг.



## МУСТАҲКАМЛАШ


Сиз түпламлар ўртасидаги муносабатларни аниқлашни ва күп хонали сонларни күпайтириш ва бўлишни бажарасиз.



Ҳар бир инсон учун бир неча тилни билиш жуда ҳам муҳим. Сиз турли тилларда турли белги – ҳарфлар тизими қўлланишини биласиз.

1А


Диаграммадаги түплам элементлари қандай муносабатга эга эканлигини тушунтиринг.



1Б

Түпламларни кирилл ва лотин алфавити ҳарфлари билан белгиланг.

- – кирилл алфавити
- – лотин алфавити



## ЖУФТЛИҚДА ИШЛАШ

2

Хисобланг.

